Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 24 (6. 813) 1989 йил 30 январь, душанба Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

✦ Варшава Шартномасига аъзо бўлган давлатлар мудофаа министрлари комитетининг «Варшава Шартномаси ташкилоти ва Шимолий Атлантика иттифоқи қуролли кучлари ва қурол-яроғлари сонининг Европадаги ва туташ акваторияларидаги нисбати тўғрисида» баёноти эълон қилинган.

✦ «Сайловларга тараддуд кўряпмиз» рубрикаси остида «Правда» газетасининг биринчи саҳифасида «Партиядан номзодлар» сарлавҳали мақола берилган. Ушбу мақолада «Сайловолди сиёсий программангиз ҳаётий воқеликка айланиши учун нималар қиляпсиз!» деган саволга «Москвич» бирлашмаси Ленин комсомоли номидаги автозаводининг слесари Д. Иовлев, Кургандаги «Тикланиш травматологияси ва ортопедияси» Бутуниттифоқ илмий марказининг бош директори Г. Илизаров, «Грузия-фильм» киностудиясининг постановкачи режиссёри Т. Абуладзе ва бошқалар жавоб берадилар.

✦ Мамлакатда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб қайта қуриш рўй бераяпти. Янги хўжалик механизмини, меҳнат натижаларини тақсимлашнинг янги моделларини, нормативларни созлаш ишлари олиб бориляпти, маъмурий обрў-эътиборлар қулатилмоқда, меҳнат коллективларида демократия мустаҳкамланмоқда. Бундай шароитда ҳамма нарсанинг силлиқ ўтмаслиги равшан. «Правда» газетасининг иккинчи саҳифасидаги «Статистика хабардорми!» сарлавҳали мақолада СССР Статистика давлат комитетининг раиси М. Королев экономикамиздаги камчиликлар ҳақида фикр юритади.

✦ «Бизни ким боқади!» — «Правда» газетасининг учинчи саҳифасидаги ёзувчи Юрий Грибовнинг КПСС Марказий Комитети Пленуми олдидан босилган мақоласи ана шундай номланади.

✦ «Ёшлар ва давр» — «Правда» газетасининг тўртинчи саҳифаси ана шу мавзуга бағишланган.

✦ «Известия» газетасининг биринчи саҳифасидан «Янгиликлар панорамаси» ўрин олган.

СССР халқ депутатлигига номзодлар

ЮРАК ДАЪВАТИ

Саҳнада воқеалар сўнгига етиб қолганди. Мана, ниҳоят гўзал ва сарвқад Жульетта ҳаётдаги сўнгги нафасини олди... Парда ёпилди.

Гулдурос қарсаклар янгради. Бировнинг ҳаяжондан кўзи ёнар, биров кўз ёшларини билинтирмай артарди. Ҳамманинг нигоҳи Жульетта — Бернора Қориевада. Актрисанинг юраги қувончдан гурс-гурс урар, қучоғи гулларга тўлиб кетганди. Анвойи гуллар унга, унинг талантига берилган баҳо, халқнинг санъаткор қизига чексиз муҳаббати белгиси эди.

Бернора Қориева — ўзбек совет санъатининг ёрқин юлдузларидан бири, СССР халқ артисти, СССР Давлат ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари лауреатидир. Унинг беқиёс таланти, раққосалик маҳорати туфайли саҳнада узоқ йиллардан бери тушмай келаётган Жизель, Дездемона, Офелия сингари бокира аёллар образи балеринамизнинг кучли истеъдоди, ноёб талантининг гўзал меваларидир.

Ижоднинг ўз чўққиси бўлади. Бу чўққига олиб борадиган йўл эса жуда ҳам машаққатли. Соатлаб репетициялар, ҳорғин нигоҳлар, таранг тортилган асаблар... Бу сўзларнинг ҳаммаси балерина меҳнатининг маълум қирраларинигина ифода эта олади, холос.

Бернора Қориева тиниб-тинчимаслиги, изланувчанлиги туфайли Ўзбекистон театр арбоблари союзи раислигига сайланди. Барибир у ўзи учун қадрдон даргоҳ — Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат академик катта театридан кўнгил узмади. Чунки театрларимиз олдида турган ҳад-ҳисобсиз муаммоларни ечиш ҳамиша сафда бўлиш, ижодий жараён ичида ҳаракат қилишни тақозо этарди.

Театр олдида турган муаммолар... Улар қандай ўзи?

Бернора Раҳимовнанинг айтишича бу энг аввало актёр меҳнатини қадрлашдир. Чунки, бутун умрини санъатга бағишлаган фидойи инсонларнинг аксарияти 60 сўм пенсия олар экан. Актёр меҳнати эса жуда оғир, игна билан қудуқ қавлашдек гап. Буни ижобий, реал ҳал қилиш учун, Театр арбоблари союзининг махсус фонди тузилиши шарт. Бунга ҳам Бернора Қориева жон куйдиряпти. Яна актёрларни уй-жой билан таъминлаш масаласи. Бу айниқса, ғамхўрликни талаб этадиган иш. Буларнинг ҳаммаси юксак ижодий кайфиятга таъсир қилмай қолмайди.

Бернора Қориеванинг фаолияти бу ишлар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Шу каби масалалар талайгина. У ҳаммасига вақт топиши, ҳал қилиши зарур. Чунки унга — Бернора Қориевага ишонишади. Худди шу ишонч унга иззат-икром келтирди: Бернора Қориева СССР Театр арбоблари союзидан СССР халқ депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

Ишончни оқлашнинг ўзи бўлмайди. Лекин Бернора Қориеванинг аҳди қатъий.

Т. ИУЛДОШЕВ.

Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзининг раиси, А. Навоий номидаги Давлат академик Катта театрининг солисти Бернора Раҳимовна ҚОРИЕВА.

Замондошимиз

Р. Шарипов фотоси.

26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

Ишчанлик руҳида

Яқинда матбуотда эълон қилинган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг партияга, Совет халқига Мурожаатномасини шаҳримиз сайлов округларида қандай ўрганилмоқда деган савол билан бир нечта сайлов округи комиссияларининг секретарларига мурожаат қилдик.

— Бизнинг 597-Тошкент-Ленин территориал сайлов округимизда ташкил топган сайлов участкаларимизда ҳозир бу ҳужжат кенг ва атрофлича муҳокама қилинмоқда, — дейди округ сайлов комиссияси секретари Дилбар Раҳматуллаева. — Ундаги **«Партия социалистик демократияни янада ривожлантириш, ижтимоий-сиёсий турмушда ва бошқарувда ҳар бир кишини фаол қатнаштириш учун, ҳақиқий тўлиқ ҳокимиятнинг тантана қилиши учун ҳамма чораларни кўради»**, — дейилган сўзлар ҳаммамизнинг дилимиздаги муддаодир.

Хуллас, бу тарихий ҳужжатда халқ хўжалигининг барча соҳалари, турмуш, маданият, социал тараққиёт масалалари қамраб олинган.

Яқинда сайлов участкаларидан бирида шундай йиғилиш бўлиб ўтди. Тўпланганларнинг кўпчилиги пенсионерлар бўлгани учун уларни кўпроқ пенсия масалалари қизиқтирди. Уларнинг барча саволларига жавобни шу ҳужжатнинг ўзидан топдик. Масалан, пенсиялар тўғрисидаги тайёрланаётган қонун узоқ йиллар виждонан меҳнат қилиб, қарилик гаштини сураётганлар учун яхшироқ шароит яратиб беришга хизмат қилади, деб ўқтирилади Мурожаатномада. Ундан ташқари пенсияларнинг миқдорини сезиларли равишда кўпайтириш, ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар учун ягона пенсия таъминотини жорий қилиш, бутун пенсия таъминоти системасини такомиллаштириш кўзда тутилаётганлиги ҳам ушбу ҳужжатда тушунарли тарзда баён қилиб берилган.

— Мурожаатномани аввало комиссиямиз аъзолари билан ўқиб ўргандик, — дейди 600-Тошкент — Чилонзор территориал сайлов округи комиссиясининг секретари Ольга Викторовна Розенберг. — Ҳозир у территориямизга қарашли барча сайлов участкаларида тарғиб қилинмоқда. Бу тарихий ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, у барча коммунистлар ва партиясизларни, эркак ва хотин-қизларни, ветеран ва ёшларни, Совет Армияси ва Ҳарбий - Денгиз Флотининг жангчиларини — барча гражданларга мурожаат этиб, уларни партия платформаси асосида бирлашишга чақиради.

— Комиссиямиз аъзолари томонидан ўтказилаётган ҳар бир йиғилиш ўзининг мунозарага бой ва мазмун доираси кенглиги билан сайловчиларни қизиқтирмоқда, — дейди 115-Тошкент — Ҳамза миллий-территориал сайлов округи комиссияси секретари Наталья Ильинична Ашмарина. — Деярли барча сайлов участкаларида ушбу ҳужжат юзасидан йиғилиш ва мунозаралар ўтказилди. Айниқса уй-жой масаласи ҳақидаги таклиф ва истаклар қизғин тортишувларга сабаб бўлди.

Чиндан ҳам мамлакатда уй-жой масаласи кескинлиги кўп оилаларни ташвишга солмоқда. Шу сабабли партия ҳар бир оилани 2000 йилгача алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш масаласини ўртага ташлади. Бу иш юзасидан Иттифоқимизда катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда. Келгуси беш йилликнинг охирига бориб, ҳар йили ишга туширилади ган янги уйлар бир ярим баравар кўпайтирилади, янги квартираларни фойдаланишга топшириш 3 миллионтага етказилади. Бу ҳақда Мурожаатномада ҳам аниқ фикрлар баён этилган.

Биз учала сайлов округида сайловолди тайёргарлиги қандай бораётганлиги билан ҳам қизиқдик. Аввало ушбу округ комиссияларида қилинаётган ишлар бизни хурсанд қилди. Хоналардан сайловга оид истаган ҳужжатни топиб ўқишингиз мумкин. Бу ерда сайловчилар учун ҳамма шарт-шароит мавжуд. Навбатчилар кечки соат 21 гача ишлашади.

Сайлов участкаларини тузиш ниҳоясига етмоқда. Бу ишда комиссия аъзолари ибрат кўрсатишди. Улар ўзлари меҳнат қилаётган корхона ва ташкилотларда сайлов участкасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини активлаштиришда самарали ишларни амалга оширишди.

Ҳозир округларда депутатликка номзодлар кўрсатиш авжида. Сайловчилар ўзларининг энг ишончли кишиларининг номзодини депутатликка кўрсатишмоқда.

Номзодларни кўрсатишда бўлажак депутатнинг характеристикаси чуқур ўрганилмоқда. Унинг чинакам ишчанлиги, талабчанлиги, халқ хизматига садоқатлилиги эътиборга олинмоқда. «Бизга эл-юрт иши учун жон куйдирадиган ҳақиқий депутатлар керак», дейишмоқда сайловчилар. Номзодларни кўрсатишда мана шу сўзларга амал қилинмоқда.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Долзарб мавзу

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЯТИНИ ОШИРАЙЛИК

«Тошкент давлат маданият институтида студент-ёшларнинг халқ ижодиётига бўлган қизиқишини ўстириш мақсадида ўқув планига цикл курслар киритилди, — деб ёзади газетхон А. Алиев. — Бундан ташқари, «Фольклор ва этнография», «Ўзбекистон халқлари урф-одатлари» каби машғулотлар олиб борилаяпти. Студентлардан иборат фольклор-этнографик экспедициялар ташкил этила бошлагани ҳам диққатга сазовордир...».

Кейинги пайтда редакцияга келаётган бундай мазмундаги хатлар оқими кўпайди. Куюнчаклик билан ёзилган сатрларни ўқиб, жойларда ёшларга эътибор кучайгани, студентларнинг турмуш тарзини яхшилаш ва маънавий оламини шакллантиришга алоҳида эътибор берилаётганини билиб олияпмиз.

— Бундай ўйлаб кўрсам орган сози фақат бизнинг илм масканимизда бор экан, — дейди Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг доценти Р. Хўжаев. — «Баҳор» концерт залидаги эса бир неча йилдан бери ишламайди. Пойтахтдек шаҳарга бор-йўғи бир дона соз камлик қилмасмикан?

Жуда ўринли савол, назаримизда. Чунки классик куйларни тингламай туриб, бой маданий меросимизни ўрганиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Агар шаҳар аҳолисининг 350 мингдан зиёди ёшлар эканини назарда тутсак, йигит-қизларимиз орган ижросидаги нодир асарлардан деярли баҳраманд бўлишмаётган экан-да.

Ёшлар ва маданият борасида ҳали муаммолар талайгина. Очиғини айтиш керак, видеомарказ, рок-музика, турли группаларни ҳисобга олмаганда, кино, театр ва музейларга одам кам тушаяпти. Бундай аҳволда истиқбол эгаларига жаҳон ва миллий маданият дурдоналарини қандай сингдириш мумкин? Уларни санъат даргоҳларига кўпроқ жалб этиш имкониятлари қандай? Шаҳар партия комитети ташаббуси билан Тошкент Давлат университетининг Маданият саройида ўтказилган «Думалоқ стол атрофида»ги суҳбат ана шу масалага бағишланди. Учрашув пайтида шаҳардаги ижодий интеллигенция вакиллари, маданий-маърифий муассасалар раҳбарлари ва мутахассислар томонидан айтилган фикрлар, ўртага ташланган амалий таклиф ва ижодий режалар диққатга сазовордир.

САФАРОВ Ф. (А. Навоий номидаги Давлат академик Катта театрининг бош режиссёри). — Ҳеч ёдимдан чиқмайди: Олмаота шаҳрига гастролга борганимизда опера ва балет театрини бориб кўрмоқчи бўлдик. Буни қарангки, 10 та такси шофёридан 9 нафари бу санъат даргоҳи қаерда жойлашганини билишмас экан. Шунга ўхшаш воқеалар, афсуски, бизнинг шаҳарда ҳам учраб туради.

Ҳозирги пайтда ёшлар дунёқарашини шакллантириш учун, партия, Совет, комсомол, қўйингчи кўпчилик иш олиб бораяпти. Натижа эса кўнгилдагидек эмас. Менимча, уларни санъатга етарли даражада қизиқтира олмаяпмиз. Бунинг учун нима қилиш керак? Биринчи навбатда мактаб программасига бошланғич синфлардан бошлаб, театр, музика, кино, эстетика ҳақида ҳеч бўлмаганда умумий тушунча берадиган дарс киритилиши зарур.

ЖАББОРОВ А. (Ўзбекистон композиторлар Союзининг биринчи секретари). — Наманган шаҳридаги музика билим юртида ўқиётганимда, биз бўлажак ижодкорлар ҳар ойда концерт программаси намойиш қиладик. Томошага доим райком секретарлари, ҳатто шаҳар раҳбарлари ҳам келишарди. Ҳозир нега бундай эмас. Тўғри, иш кўп, лекин санъат учун ҳам вақт ажратиш керак-да. Аввало катталар ўрнак кўрсатмас эканлар, ёшларни кино, театрларга жалб қилиш мушкул.

Тошкент Давлат университетининг филология ва журналистика факультетларини тамомлаган ёш мутахассислар одатда редакцияларда ишлашади. Улар ёзган мақолаларни ўқисангиз музика терминларини билмасликлари сезилиб туради. Агар маблағ масаласи ҳал қилинса мазкур факультетларда музика, хор, симфония, эстетика ҳақида тушунча берадиган лекциялар ташкил этиб, композиторлар билан учрашувлар уюштиришимиз мумкин.

ФАЙЗИЕВ Л. (Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театрининг бош режиссёри). — Ёшларнинг маънавий оламини шакллантириш, уларни эстетик руҳда тарбиялаш мураккаб вазифа. Театр ёки кинога 500—600 кишини оммавий равишда олиб борган билан маданиятга эришиб бўлмайди. Назаримда қандайдир янгича, ижодий ёндошиш зарур. Айтайлик, комсомол комитетлари ёшларнинг қизиқишини ўрганиб чиқиб, ўз таклифлари билан театр дирекцияларига мурожаат қилишса. Биз студентлар ҳузурига, аудитория, ҳатто ётоқхонага келиб, учрашувлар ўтказишга тайёрмиз.

Яна бир масала. Йил охирлаганда кўпинча касаба союз ташкилотларининг маблағи ишлатилмай қолиб кетгани маълум бўлиб қолади. Агарда пул ўтказиш йўли билан студентларни театрга жалб қилсак қандай бўларкин?

Айни пайтда биз ўқув программасидан ўрин олган «Бой ила хизматчи», «Қутлуғ қон» каби спектакларни ҳам намойиш қилаяпмиз.

ПЕТРОСОВ Ю. (Тошкент политехника институти тоғ-металлургия факультетининг доценти). — Студентлик пайтимда олий ўқув юртларида «мини-театр» қўйиларди. Ўша кезлари дирекция билан шартнома тузилиб студентлар, ҳатто ўқитувчилар абонемент билан томошаларга қўйиларди. Борабора бу нарса йўқ бўлди.

Ҳозирги ёшлар санъатга, айниқса музикага қизиқишади. Асосий масала уларга шароит яратиб бериб, эркинлигини таъминлашда деб ўйлайман. Олий ўқув юртларида студент-ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб чиқиб театр, кино, учрашувларга имтиёзли билетлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

ЖАМИЛОВА Г. («Ёш гвардия» театрининг актёри). — Ўзимнинг 22 йиллик иш фаолиятимда кўплаб ўқув юртлари, корхоналар, дала шийпонларида уюштирилган учрашувларда қатнашдим. Омма билан бундай ижодий алоқа актёр учун зарур. Бир муаммо устида қисқача тўхталмоқчиман: бизни жойларга спектакль қўйиш учун таклиф этишади-ю, раҳбарлар шароит яратиб бермайдилар. Масалан, медицина техникумида бўлганимизда совуқда дийдираб роль ўйнадик. Бундан томошабин нима ҳам олиши мумкин. Уларни декорация ҳам қониқтирмайди.

Театримиз Октябрь район партия комитети билаан ҳамкорликда ёшлар клуби ташкил этган. Бу ерда кўп болали оналар, уруш ва меҳнат ветеранларининг оилалари билан учрашувлар ўтказилаяпти. Шу кунларда интернационалчи-жангчилар ва меҳнат қаҳрамонларига бағишлаб кеча тайёрлаяпмиз. Тантаналарга томошабинлардан ташқари маҳаллалардан кўплаб одамлар келишяпти. Шаҳар ва район комсомол комитетлари ҳам ижодий клублар очиб, ёшларни жалб этишса яхши бўларди.

Шу куни бошқа фикрлар ҳам билдирилди. Улар чуқур ўрганиб чиқиб умумлаштирилади ва ёшларни эстетик жиҳатдан тарбиялашни такомиллаштирувчи комплекс программага асос қилиб олинади.

Ёшлар — келажагимиз, деймиз. Улар ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида баракали меҳнат қилишаяпти, олий ўқув юртларида билим олишмоқда. «Ёшлар билан ишлашнинг муайян соҳаларида баъзи муаммоларни ҳал қилиш йўллари бемалол топиб олинмоқда, — дейилади Тошкент шаҳар XXVI партия конференцияси материалларида. — Шаҳар комсомол комитети ҳузуридаги ёшларнинг «Ритм» илмий техникавий ижодкорлик маркази ёшларнинг ижодий имкониятларини ҳаёт эҳтиёжлари билан боғловчи маскан бўлиб қолди». Кўриниб турибдики, имкониятлар кўп. Асосий масала уларни излаб топишда. Бунинг учун ёшларни етук қилиб камол топтириш ҳар биримизнинг жонажон ишимизга айланиши зарур.

С. ШОДИЕВ.

Янгиликка қизиқиш катта

✦ «Т—26х4» деб номланган уч ғилдиракли трактордан кўплаб ишлаб чиқаришга киритилди. Чиндан ҳам «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси конвейерларидан тушаётган мазкур агрегатлар ўз конструкцияси ва технологияси билан олдингиларидан ажралиб туради.

Корхона бу йил экиш мавсуми олдидан Ўзбекистон колхоз ва совхозларига шундай маркадаги тракторлардан 17 мингдан кўпроқ етказиб беради.

— Айни кунларда «Т—26х4 м» агрегатига қардош республикаларда, шунингдек, чет элларда ҳам қизиқиш катта, — дейди бирлашма реализация бўлими бошлиғи А. Н. Заяс.

Билим маскани

✦ «СЕРГЕЛИ — 16» массивида замонавий мактаб биноси қурилиши жадаллик билан бормоқда. Бино лойиҳаси «Ташгипрогор» институти ходимлари томонидан тайёрланган бўлиб, 1 минг 568 ўринли бу мактаб 33 синфдан иборат. Ошхона ва енгил тамадди қилиб олиш учун буфет, ўқувчиларни жисмонан чиниқтириш учун иккита спорт зали мавжуд бўлади.

Қурилиш ишларини 159-трестга қарашли 8-қурилиш бошқармасининг К. Раҳимов ва Н. Зубинин етакчилик қилаётган комплекс бригада аъзолари олиб боришмоқда.

Бунёдкорларнинг имкониятлардан тўғри фойдаланиши, қолаверса, ўзаро меҳнат беллашувининг тўғри ташкил этилиши ўз самарасини берди. К. Раҳимов коллективи январь ойи топшириқларини муддатидан олдин бажаришга эришди. Улар 628 минг сўмлик ўрнига 673 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар.

Д. ОБЛАЕВ.

Яна беш хил буюм

✦ ШАҲРИМИЗДАГИ қатор саноат корхоналари қатори «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаш яхши йўлга қўйилган. Айни кунларда корхонада 50 дан зиёд буюмлар тайёрланмоқда. Бунда уй-рўзғор буюмларидан ташқари болалар учун ҳам турли ўйинчоқлар савдо пештахталарига етказиб берилмоқда.

Яқинда корхона маҳсулотлари қаторидан яна бир неча хил маҳсулотлар ўрин олди. Бу ҳар хил электр розеткалари, якка тартибда уй қурувчилар ва «Семурғ» маросимлар клуби буюртмаларидир. Ҳар хил медальонлар тайёрлана бошлади. Шуниси қувончлики, коллективимиз аёлларимиз учун ҳам ошхона машинаси яратиш арафасида. Бу машина 7 хил вазифани бажаради.

СИЗГА ҲАМДАРДМИЗ, ТОЖИКИСТОНЛИК ҚАРДОШЛАР!

ЁН ҚЎШНИМИЗ—ЖОН ҚЎШНИМИЗ

Тожиклар ўзбек халқининг энг яқин қардоши, жонажони, ён қўшниси. Ҳисор районида рўй берган офат ва вайронагарчилик, биринчи галда, қурбон бўлган одамлар дилимизни ўртаб юборди. Яқиндагина Арманистонда рўй берган зилзила кетидан Тожикистонда бўлган бу офат оғир жудоликдир. Бизнинг маҳалла ветеранлар Совети қарори билан маҳалла комитети раиси Зоир Шамсиев ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Исажон Қодировлар бошчилигида арман дўстларга ёрдам тариқасида 500 сўм пул ўтказган эдилар. Болалар фондига эса 270 сўм ҳисса қўшилди.

Айни шу кунларда маҳалламизнинг ҳимматли одамлари тожик қардошларимизга ёрдам учун СССР уй-жой социал банкининг Душанба шаҳридаги республика бошқармасида очилган 70030-счётига маблағ ўтказишмоқда. Ўзбегу тожикда бир хил мақол бор: «Ён қўшни — жон қўшни». Жонажон қўшнимизга доим ҳамдард бўлиб, ҳеч қачон кулфатда қолдирмаймиз.

Саъдулла ҒИЁСОВ,
Акмал Икромов районидаги М. Горький номли маҳалла комитети ветеранлар Советининг раиси.

70030-СЧЕТГА

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг комсомоллари қардош тожик халқига эллик минг сўм пул юбордилар. Ёшлар шанбалик ўтказишга ва ундан тушган пулнинг ҳаммасини Тожикистонга ёрдам кўрсатиш фондига ўтказишга қарор қилдилар. (ЎзТАГ).

ЗИЛЗИЛА РАЙОНИГА—50 МИНГ СЎМ

Ҳисор районидаги Шарора, Кулипоён ва Оқулиболо қишлоқлари аҳолиси бошига тушган катта кулфатдан республикамиз, шу жумладан Тошкент аҳолиси ҳам қаттиқ қайғурмоқдалар.

Тошкентдан Душанбага турли хил зарур материаллар ва кийим-кечаклар пешма-пеш юборилмоқда.

Касаба союзлари Тошкент область Советининг матбуот марказидан бизга хабар қилишларича, зилзиладан зарар кўрган район аҳолисига область касаба союзлари 50 минг сўм маблағ ўтказган.

Х. АКРОМОВ.

ШТАБ ТУЗИЛДИ

Зилзиладан зарар кўрган Тожикистон аҳолисига ёрдам кўрсатиш юзасидан шаҳар штаби ташкил этилди.

Штаб Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети биносининг биринчи қаватидаги 6-хонада жойлашган, иккинчи подъезддан кирилади. Телефонлар:

33-83-34,
33-24-66.
39-05-07.

ШАРОРА ҚАБРИСТОНИ

ҲИСОР. Маҳаллий аҳолининг илтимосига биноан бугундан бошлаб Тожикистоннинг Шарора қишлоғидаги тоғ босиб қолган жойларни қазиш тўхтатилди. Ана шу қишлоқнинг деярли ярми етти балли зилзила туфайли кучли кўчки остида қолди. Фожиа рўй берган жойда ҳалок бўлганларнинг жасади миллион-миллион куб метр тоғ жинслари билан кўмилиб кетди, шунинг учун яқин вақт ичида жасадларни қазиб олишнинг деярли имкони йўқ.

Республика ҳукумати Шарора аҳолиси кўпчилигининг бу ерда қардошлик қабристонини барпо этиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади. Посёлка эса янги жойда қайтадан бунёд этилади. Қишлоқ қурилиши яқин кунларда бошланади.

«Оқшом»га хатлар

ФИДОЙИЛАР

1989 йил 6 январь куни эрталаб соат 9 дан 15 минут ўтганда бирдан кўзим уйнинг томида ёнаётган алангага тушди. Аланга тобора кучаяр эди. Бу ҳодисани билган ва кўрган қўни-қўшнилар тезда телефон орқали ўт ўчирувчиларни чақиришди. Орадан кўп ўтмай, Акмал Икромов районидаги 10-ўт ўчирувчилар бўлимидан, командир Шавкат Қорабоев, ўт ўчирувчилар Тўравой Холмирзаев, Абдураҳим Абдуллаевлар етиб келишиб, тезда ўзларини ёниб турган аланга ичига урдилар. Уларнинг жонбозлиги туфайли қўшниларнинг уйларига ўтиб кетиши мумкин бўлган ўт ўчирилди. Мен ва маҳалла аҳли бу довюракларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Н. АЗИМХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳар Октябрь район 85-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛСА

Собир Раҳимов номидаги метро станцияси шаҳримизнинг энг гавжум жойларидан бири. Бу ерга шаҳар атрофи районларидан келувчи кишиларнинг оқими узилмайди. Бундан ташқари, метро станцияси рўбарўсида «Самарқанд» автостанцияси ҳам жойлашган. Ана шуни назарда тутиб станция қаршисида озиқ-овқат, саноат моллари магазинлари, сомсапазлик, кабобпазлик дўкончалари қурилди. Бундан ташқари, бу ерда нон ва кондитер маҳсулотлари ярмаркалари мавжуд.

Лекин, шундай гавжум жойда газета-журнал сотиладиган дўконча йўқлиги кишини ажаблантиради. Метро станциясидаги автоматлар эса бир неча ойдан бери газета «юзини» кўрган йўқ.

Яна бир гап: шунча қурилишлар қаторида метро ёнида замонавий чойхона барпо этишнинг, миллий таомлар савдосини йўлга қўйишнинг иложи йўқмикин? Ахир, кофени ҳар ким ҳам ичавермайди-ку! Узоқ-яқиндан келган меҳмонлар чойхонада чой ичиб, овқатланса-лар, дам олса-лар яхши эмасми?

Э. ҚОСИМОВ.

КАСБНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Инобатхон одатдагидек тонг ёришмай диспетчерлик пунктига етиб келди. Деразаларни очиб хонани шамоллатди. Кейин алоқа аппаратларини кўздан кечирди. Соат 6. График бўйича қатнай бошлаган 3-троллейбус йўлда кўринди.

— Ассалому алайкум опа, кунингиз хайрли ўтсин, — ҳайдовчи машинани тўхтатиб, Инобатхонга табассум ҳадя этди.

— Бурхониддин, эҳтиёт бўлинг ука. Қаранг, қор қалин ёққан, йўллар сирпанчиқ. Бекатларда одамлар гавжум, ҳушёрликни унутманг.

Инобатхон Б. Абдумуродовнинг йўл варақасини тўлдирар экан, унга шу гапларни уқдирди.

— Хотиржам бўлинг, опажон.

Комсомол майдони — Абай кўчаси шаҳримизнинг серқатнов манзили. Бу ердаги 6-шаҳар шифохонаси, Муқимий номли ўзбек давлат музикали драма театри, Ленин номли комсомол боғи, Бешёғоч бозори атрофлари ҳамиша кишилар билан гавжум бўлади. Инобатхон Абдурашидова Абай кўчасида диспетчерлик пунктидан туриб 3, 6, 12-троллейбус маршрутида қатновчи 30-35 та машина ҳаракатига «дирижёрлик» қилади. Ҳайдовчилардан ҳаракат графигига қатъий риоя қилишни, йўловчиларни манзилларига ўз вақтида етказиб қўйишни талаб этади.

Инобатхон Абдурашидова шаҳар трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг тажрибали диспетчерларидан саналади. У бунга ўзининг ҳаракатчанлиги, илғор ҳамкасблари тажрибасини қунт билан ўрганиши, интизомлилиги туфайли муваффақ бўлди. Меҳнатсевар аёл касбини эъзозлаши, қадрлаши туфайли В. Езерская, Р. Холматова, Ф. Ўрозбоева, З. Чеглакова, Г. Попова, М. Илёсова каби илғор диспетчерлар сафига қўшилди.

Инобатхон Абдурашидовани ҳамма ҳавас қилса арзийдиган оиласи бор. У жамоат ҳаётида фаол иштирок этиш билан бирга фарзандлар тарбиясига ҳам эътибор бериш зарурлигини яхши тушунади. Тўрт фарзандининг ҳаммаси одобли, меҳнатсевар.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг попоп цехида Мавжуда Акбарованинг тажрибали мураббийлар қаторида тилга олишади. Унинг ўз ҳаётини корхона билан боғлаганига 28 йил бўлди. Бу вақт ичида пешқадам ишчи ўнлаб ёшларга касб ўргатди. Ўз касбининг дастлабки сирларини ундан ўрганган Гулнора Зиёмова устозига тенглашишга интиляпти. Уларнинг ҳар иккаласи ишлаб чиқариш план-топшириқларини 110—115 процентга адо этишяпти.

СУРАТДА: Мавжуда Акбарова ўз шогирди Гулнора Зиёмова билан.

М. Назаров фотоси.

Озиқ-овқат программаси бўғинлари

Ижарачи ҳам ёрдамга муҳтож

Ўтган йили Тошкент тўқимачилик комбинатига қарашли Калинин районидаги «Текстильщик» совхози миришкорлари қатор ютуқларни қўлга киритдилар. 532 тонна ўрнига 550 тонна картошка, 1004 тонна ўрнига 1450 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштирилди. Шунингдек, гўшт топшириш плани ортиғи билан уддаланди. Хўш, қатор йиллар комбинатга чиқим бўлиб келаётган бу совхоз қандай қилиб ютуқларга эришди, планга қўшимча 100 минг сўм даромад олишди! Биз шу савол билан совхоз директори Равшан Эргашевич Тўлановга мурожаат қилдик.

— Ҳақиқатан ҳам илгари оғир аҳволга тушиб қолган эдик. Одамларнинг ишга муноҳабати «меники эмас» қабилидаги эгасизларча бефарқлик эди. Ўғрилик, талон-тарожлик авж олганди. Кейинги пайтларда ҳар бир киши хўжаликнинг эгаси бўлиши керак, деган шиор остида иш бошладик. Бир куни идорага бригадир Тўра Рисқибеков кириб келди-да, бригадага қарашли экин майдонларини ижарага беришимизни сўради. Совхоз маъмурияти ҳеч иккиланмасдан ўзига қарашли ерни ижарага берди. Бригада шу йили 100 минг сўмлик ўрнига 131 минг сўмлик маҳсулот етиштирди. Бригада далаларига 50 минг сўм харажат белгиланган эди, лекин ижарачилар 39 минг сўм сарфлашди. Ойлик фонд эса 21 минг сўм бўлиб, 17 минг сўм сарфланди. Натижада 56 минг сўм фойда олди. Бригадада эса 27 ишчи меҳнат қилади.

Илгари биз ишлаб чиқаришни фақат пудрат усулида ташкил қилар эдик. Айрим ноҳил бригадаларда ой охирида маблағ тақсимлаш пайтида келишмовчиликлар бўларди. Чунки ҳар бир киши кўпроқ ҳақ олишни хоҳларди. Ижарачиликда бундай бўлмайди. Оддийроқ тушунтирилса, етиштирилган маҳсулотдан келган даромаддан сарфланган харажат чегириб ташланади, қолган пул ижарачига тегади. Шунинг учун ҳам ижарачи биринчи галда сифат ва самарадорлик учун курашади. Сифатли маҳсулотнинг бозори чаққон бўлиши маълум.

Самарадорликка эришиш ҳам даромад манбаидир. Ижарачиликда ойлик кўпаяди. Штатлар эса қисқариши мумкин. Кези келганда шу нарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, илгари совхозимиздаги 380 киши комбинатга қарарди. Яъни, кадр масаласига совхоз маъмуриятининг алоқаси йўқ эди. Бу эса ютуқлардан кўра камчиликларни кўпроқ келтириб чиқарарди. Ҳозир ҳамма масъулият бизнинг зиммамизда.

Совхозимизда маҳсулот уч хил нархда белгиланади. Мана оддий помидор: «Юсупов» нави 25 тийин, «Волгоград» нави эса 13 тийин, кўк помидор 5 тийиндан комбинат ишчи таъминоти бўлимига топширилади. Илгарилари ҳаммаси 5 тийиндан топшириларди. Шунинг учун ҳам даромад ошмасди. Ўтган йили бир гектар ерга 740 сўм сарфлаган бўлсак, 1979 сўмлик даромад олдик. Рентабеллик 30 процент ошди. Картошканинг бир гектарига 295 сўм сарфлаган бўлсак, 124 сўм фойда олдик.

Комбинат ишчиларини гўшт ва сут билан таъминлашда ҳам қатор ютуқларимиз бор. 1987 йили бир килограмм мол гўшти 5,54 тийин, чўчқа гўшти эса 2,45 тийин, сут эса бир литри 34 тийинни ташкил этган бўлса, 1988 йилда қорамол гўшти 3,19, чўчқа гўшти 1,56, сут эса 33 тийинга тушди. Кўриниб турибдики, ютуқларимиз салмоқли. Лекин биз ҳам ёрдамга муҳтожмиз. Асосан транспорт ёқилғиси масаласи чатоқ. Бир йилга дизель ёқилғиси дан 142 тонна, бензин 52 тонна, дизель мойи эса 3 тонна ажратилади. Агропром системасидаги совхоз-колхозларга эса дизель ёқилғиси 360 тонна, бензиндан 179 тонна, дизель мойи эса 9 тонна ажратилади. Ўртадаги фарқ-чи? Яна шуни айтиб ўтиш керакки, бизнинг экинзорларимиз суғурта қилинмайди. Калинин райони суғурта бўлимига борсак, совхоз комбинатники, Тошкент шаҳар Фрунзе райони суғурта бўлимига борингглар деса, шаҳардагилар Калинин районига ишора қилишади. Нима бўлса ҳам экинзорларни суғурта қилишимиз керак! Совхозимизда қулупнай ҳам етиштирилади. Лекин ишчи дастурхонига урингани, сифатсизи келиб тушади. Бу ҳам бўлса транспорт билан боғлиқ. Кунига икки марта қатнаш ўрнига бир маротаба, гоҳида икки кунда бир келиб кетамиз. Сифати ҳам ҳалигидай.

Мана ҳозир қиш, далаларни оппоқ қор қоплаган. Шундай бўлса ҳам қиш дастурхони ёздагидай тўкин бўлиши керак. Озиқ-овқат программаси илгари сураётган бу вазифани теплица-парникларсиз ҳал этиб бўлмайди. Афсуски, совхозимизда бу соҳадаги ишлар талабга жавоб бермайди. Ҳаммаси бўлиб 1.05 гектар ерда парник бўлиб, асосан помидор кўчатлари етиштирамиз. Ишчиларнинг талабини қондириш учун бизга 30 тонна полиэтилен плёнка керак. Ҳозирча бу нарса ҳал қилиб бўлмас даражада... Қолаверса, кўчатхоналаримиз газ билан таъминланмаган. Қишда дастурхонимизнинг бир четида озми-кўпми ошкўклар бўлишига нима етсин? Бизда кишилар севиб истеъмол қиладиган шифобахш кўкатлар тури озми дейсиз, улар ҳамма фаслда дастурхонга файз киритади.

Суҳбатни Д. ОБЛАЕВ ёзиб олди.

МУХБИР ШАРҲИ: Оилавий пудрат шароитида деҳқон маҳсулотни кўпайтиришдан манфаатдор, дейишади, сабзавоткорлар. Уни қанчалик кўпайтирса, даромади шунчалик ортади. Қолаверса, партиямиз талаби ҳам шу. Бинобарин бензин тақчиллиги-ю, транспорт носозлиги учун деҳқон бош қотириши керакми! Зеро, ноз-неъмат ғарқ пишиб, эзилиб, сув бўлиб оқса-ю, машина йўқ, бензин йўқ, деб туриш ўзини оқлайдими! Айни пайтда ишчи таъминоти бўлимида эртаги, ўртаги, кечки ҳосил етиштириш, маҳсулотни график асосида етказиб беришни сўрамоқдалар. Лекин бу осон эмас. Табиат, об-ҳаво график билан ҳисоблашмайди. Қолаверса, экиндан кўра транспортни хоҳишимизга мослаштириш осонроқ эмасми! Бундан ҳамма манфаатдор бўларди!

Республика бўйлаб

Хушхабарлар

✦ **Ёш тошкентликлар сузишдан дастлабки дарсларни ола бошладилар. Бу дарсларни улар учун «Ювента» ёшлар кооперативи уюштирди. Қадимий юнон тилида «Ювента» сўзи «Ёшлик» деган маънони билдиради. Бу кооператив Тошкентдаги 110-мактаб қошида очилди. Бу ерда кооператорлар спорт зали, сузиш ҳавзаси ва душхоналарни ижарага олишди. Кооперативда иккита группа шуғулланмоқда. Малакали тренерлар барча хоҳлаган кишиларни сузишга ўргатмоқдалар.**

Ҳозир республикада ёшларнинг турли йўналишдаги элликка яқин кооперативи ишлаб турибди.

✦ **Самарқанд областидаги «Дўстлик» совхози аҳолиси эндиликда хоҳлаган пайтда иссиқ нон сотиб олиши мумкин. Бу ерда новвойхона қурилиб, нон ёпила бошланди. Илгари бу қоракўлчилик хўжалиги қишлоқларига Учқудуқдан нон ташиб келинарди, лекин унинг сифати паст бўларди. Ҳозир мактаблар, болалар боғчалари ва совхоз касалхонаси, чўпон оилалари ана шу энг муҳим озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминланганлар.**

✦ **Сирдарё областининг Гагарин номли совхозидаги Худойберди Расулов бошлиқ бригада аъзолари ўз участкаларининг коллектор-дренаж тармоғида намунали тартиб ўрнатдилар. Буни хўжаликда бўлган махсус комиссия тан олди. Расулов бригадаси илгари ҳеч ким назорат қилмайдиган суғориш системасига қараб туриш масъулиятини Мирзачўлда биринчи бўлиб ўз зиммасига олди. Шу туфайли бу ерда уч йил ичида пахта ҳосилдорлиги 14 центнердан 27 центнерга етди. Ҳозир, мавсум оралиғидаги бўш кунлардан фойдаланган деҳқонлар биринчи навбатда яна коллекторлар ва дренаж шохобчаларини ремонтдан чиқардилар, шундай қилинмаса, яхши ҳосил етиштириш мумкин эмас.**

✦ **Қашқадарё областининг «Кўкдала» совхозида томчилаб суғоришнинг катта системаси бунёд этилди. Мазкур система хўжаликнинг 118 гектар майдонидаги боғларни суғоради, деҳқонларга илмий асосланган қатъий норма бўйича сувдан фойдаланиш имконини беради. Бунинг натижасида жуда кўп сув тежаб қолинади. Ўтган йили Сирдарё, Тошкент, Самарқанд, Наманган областлари хўжаликларида ҳам сувни тежайдиган шундай системалар пайдо бўлган эди. Бугунги кунда республикамизда умумий майдони қариб 680 гектар бўлган далаларда томчилаб суғориш системасидан фойдаланилмоқда.**

✦ **«Янгиерводстрой» трестининг 24-кўчма механизациялашган колоннасидан Николай Леонов бошлиқ скреперчилар бригадаси март ойи ҳисобига ишламоқдалар. Коллектив Алексеевский номли совхознинг ташландиқ деб ҳисобланган ерларини қайта тикламоқда. Текислангандан сўнг улар экин майдонларига айлантирилади. Бригада бошлиғининг ўзи уч йил ичида 270 минг куб метрдан кўпроқ ерни текислаб берди. Бу пландагидан анча кўпдир. Н. Леонов ўз шахсий беш йиллигини тўрт ярим йилда бажаришга қарор қилди.**

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИДА

● НИКОСИЯ. Бу ердан олинган хабарларга кўра, БМТ Бош секретарининг Женевада ўтказилаётган Эрон-Ироқ музокараларидаги шахсий вакили Ян Элиассон бугун Теҳронга келди. Унинг бу визитдан мақсади — иккала мамлакат ўртасида тўхтаб қолган музокараларга янги омил бағишлашдан иборат.

● БАҒДОД. 124 кишидан иборат эронлик ҳарбий асирларнинг иккинчи группаси бугун Бағдоддан жўнаб кетди. Улар халқаро Қизил Крест комитети ёллаган самолётда Теҳронга учиб кетдилар. Бу иш олий Ислом кенгашининг яқинда Бағдодда бўлиб ўтган конференцияси қатнашчиларининг илтимосига биноан, 255 касал ва ярадор Эрон ҳарбий асирларини озод қилишга қарор берган Ироқ президенти Саддам Ҳусайннинг фармойиши билан амалга оширилди. 131 эронликдан иборат биринчи группа душанба куни Эронга жўнатилган эди.

✦ АФИНА. Греция ҳукуматининг бугун тунда бу ерда тугаган фавқулодда мажлисида терроризмга қарши курашга оид қўшимча тадбирлар кўриб чиқилди. Мажлис бош министр А. Пандреу раислигида ўтди. Маълум қилинишича, қабул этилган тадбирлар бугун эълон қилинади.

Мажлис мана шу ойда Афинада уч марта террорчилик ҳужумлари рўй берганлиги муносабати билан чақирилди. Ана шу жиноятлар натижасида юқори мартабали юстиция ходимларидан бири ўлдирилди ва икки киши ярадор қилинди.

Юстиция ходимлари террорчиларнинг ҳужумларига қарши норозилик билдириб, забастовка ўтказишга қарор қилдилар. Улар жамоат тартиби учун масъул бўлган министрлар, шунингдек полиция ва махсус хизмат маҳкамаларининг раҳбарлари истеъфо беришини талаб қилдилар.

● СТОКГОЛЬМ. Швеция, Норвегия ва Финляндия ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарларининг сешанба куни кечқурун бу ерда бўлиб ўтган кенгашида Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этиш муаммолари муҳокама қилинди. Швеция ташқи ишлар министри Стен Андерссоннинг журналистларга маълум қилишича, фикрлашувлар ана шу комплекс масалаларга баҳо беришда унинг қатнашчилари якдил эканлигини тасдиқлади. Кенгаш Норвегия дипломатиясининг бошлиғи Турвальд Столтенбергнинг Тунисга қиладиган визити ва унинг Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроия комитетининг раиси Ясир Арафат билан учрашуви олдидан ўтказилди. Кенгашда Финляндия томонидан Финляндия ташқи ишлар министри Калеви Сорса иштирок этди. Швеция телеграф бюросининг таъкидлашича, Шимолий Европадаги учта мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаларининг социал-демократик партиялар раҳбариятига кирувчи раҳбарлари ўртасидаги маслаҳатлашувлар мунтазам тус олган.

● ПАРИЖ. Эндиликда Бирлашган Араб Амирликларида истиқомат қилаётган эркаклар учун касб танлаш эркинлиги учун касб танлаш эркинлиги бирмунча чекланади. Сабаби Арабистон ярим оролининг шарқий қисмида жойлашган шу давлат маъмурлари эркакларнинг аёллар сартароши бўлиб ишлашини тақиқловчи қарор қабул қилганлигидир.

Қарор юқори расмий доираларда қабул этилди, унда мамлакатдаги барча сартарошлик муассасаларига мавжуд эркак ходимларни аёл ходимлар билан алмаштириш-га роса 6 ой муҳат берилган. Чеклашнинг табаби устанинг ўз касб бўйини бажараётган вақтда мижоз билан «хижолатли қинлиги» биринчи қараганда галати туюлади.

Франс пресс агеглигининг ёзишича, бу қарорламлакатдаги мавжуд ислом дини ахлоқ-одоб ақидалари анъанасига биноан қабул этилган. Бундан ташқари ундай тақиқлаш ягона эмас: яқинда Ироқ маъмурлари ҳам ана шундай қарор қабул қилишган эди.

● ВАРШАВА. Машҳур совет актери Лиди Федосеева-Шукшина режиссёр Генрик Бельскийнинг «Янушек ҳақида баллада» ки сериялы телевизион филмида бош аёл ролини ижро этганлиги учун Польшада чиқадиган «Экран» ҳафталик газетасининг ҳар йили бериладиган «Олтин экран» мукофотига сазовор бўлди.

Сценарийси Слэвомир Лубиньскийнинг романи асосида ёзилган мана шу саккиз серияли телевизион фильм ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ольша телевидениеси орқали зўр муваффақият билан намойиш қилинганди. Тақидчиларнинг таъкидлашча, Лидия Федосеева-Шукшина телевизион фильм бош қаҳрамонининг онаси – тақдири оғир кечган оддийгина ляк аёли ролини моҳирона ижро этганлиги кўп жиҳатдан асарнинг муваффақиятини таъминлади. Фильмдаги он бутун ҳаётини ўзининг ёғиз ўғлини тарбиялашга бағишлаган, аммо ўғил эса онанинг орзу-умидларини оқлаб олмаган.

«Олтин экран» мукофотининг бошқа лауреатлари орасида Польшанинг машҳур телевизион публицистика усталари, оммабоп ўрсатувлар муаллифлари ва ларни олиб борувчилар бор. Олтин экран» мукофоти ўу йил 25-марта берилди. (ТАСС).

ВЕНГРИЯ. Кийим-кечакларда миллий анъаналарни сақлаш ҳақида ғамхўрликни Ноград областининг Буяк қишлоғида истиқомат қилувчи Ференцне Жуппаньи ўз зиммасига олди. Унинг хонаки уй музейидаги (суратда) қўғирчоқ-экспонатлар республиканинг шимолида, Чехословакия билан қўшни районда истиқомат қилувчи этник группа — палоцелар костюмини кийган. Ана шу районнинг венгер тилининг ўзига хос шеваларидан бирида гаплашувчи аҳолиси халқ ижодининг рангбаранглиги билан машҳур. Қадим замонларда ҳар бир қишлоқ аҳолиси ўзига хос кийинарди. Ҳозир эса миллий кийимларни қарияларгина кийишади. Уларни байрамлардагина кўриш мумкин.

МТИ—ТАСС фотоси.

ТЕРГОВНИ МУХЛИСЛАР ОЛИБ БОРИШМОҚДА

Миннесота штати университетининг кутубхонасини Конан Дойл ижодининг мухлислари ўзаро «Шерлок Холмс музейи» деб аташади. Мазкур китоблар хазинасида машҳур изқувар ҳақида ҳикоя қилувчи жаҳондаги энг бой коллекция — 45 тилда нашр этилган тўққиз мингдан зиёд китоб тўпланган. Кутубхонада шунингдек, ёзувчининг повестлари босилган газета ва журналларнинг 19 мингдан зиёд қирқими сақланади. Махсус залда эса Шерлок Холмс ва доктор Ватсон «яшаган» квартиралар макетлари коллекцияси билан танишиш мумкин. Уларни китобхонларнинг ўзлари ясаб, музейга совға сифатида йўллашган.

ЖАРИМА БИЛАН ҚУТУЛДИ

«Бундан буён китларга тегманг» деб маслаҳат берди Гонолулунинг (Гавайя штати) федерал прокурори австриялик турист Питер Готвальдга. Готвальд кирага олган қайиғида китлар яшайдиган жойга яқинлашиб, уларни суратга олмоқчи бўлганлиги учун денгиз сут эмизувчиларини муҳофаза қилиш ҳақидаги Америка қонунини бузишда айбланган эди. Прокурор австриялик туристнинг қамоқ жазосига ҳукм қилинишини талаб қилганди. Аммо судьянг чет мамлакат фуқарасига раҳми келиб, Готвальдни 1500 доллар жарима тўлашга ҳукм қилди.

КАЛЕЙДОСКОП

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Дастлабки меҳнат фаолиятини шу корхонада бошлашга қарор қилган бўлажак ишчиларга бу ерда алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади.

Мўътабар Раҳимова ҳам ана шундай ғамхўрлик туфайли уни ўз сафларига қабул қилган тикув цехи коллективига жуда ўрганиб қолди. Унинг корхонада ишлаётганига кўп бўлгани йўқ. Лекин маҳоратли ишчиларнинг устозлиги, илғорлар тажрибасини ўрганиш ёш ишчига жуда қўл келди.

Бугунги кунда Мўътабарнинг номини цех пешқадамлари сафида тилга олишади. Уни беш йиллик илғори, дейишади. Смена топшириқларини мунтазам равишда ортиғи билан бажариб, маҳсулотнинг аъло сифатини таъминламоқда. Тикувчи қиз ишлаб чиқариш ютуқлари билан чекланиб қолмай, корхона жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этяпти.

СУРАТДА: М. Раҳимова.

М. Назаров фотоси.

Ранжитган бўлсак узр...

АЛЛО... ИМКОНИЯТ ҚАЧОН БЎЛАДИ?

(Газетхонлар хатларини ўқиб)

Шаҳар хўжалигининг ҳар қандай хизматига холис баҳони ҳамшаҳарларимиз, мижозлар қўйишади. Хўш, ҳозир телефон хизмати ишига қандай баҳо қўйиш мумкин? Газетхонлардан келаётган хатларни ўқир эканмиз, шаҳарда телефон ўрнатиш борасидаги камчиликлар тўғрисида ариза берганлар сони камаймаётганлигини, ўрнатилган телефонлар эса кўпинча ишламай, кишиларнинг асабига тегаётганлигини кўрамиз.

«Ҳозир мамлакатимизнинг ҳамма ерида қайта қуриш бормоқда. Аммо шаҳар телефон тармоқлари бошқармаси ишида буни кўраётганимиз йўқ. Биз ўтган йилнинг 25 август куни телефон ўрнатиш учун Ленин райони алоқа бўлимига 102 сўм тўлаб келдик. 6 октябрь куни алоқа бўлимидан келиб телефон ўрнатиб кетишди. Аммо ҳалигача телефон ишлагани йўқ. Биз бу ҳақда алоқа бўлимининг цех бошлиғи А. Усмоновга 3-4 маротаба мурожаат қилдик. Ҳар сафар қуруқ ваъдадан нарига ўтмайди. Телефонни ишга туширишда ёрдам беринг», деб илтимос қилади Фрунзе районидаги, Рабочая кўчаси, 25-уйда истиқомат қилувчи Б. Носиров.

Газетхонлар хатларини ўқиб, ҳали ҳам шаҳар хат йўллабди Новий путь кўчаси, I-проезд 6-уйда истиқомат қилувчи З. Юсупова. — 14 йилдан бери телефон олиш учун навбатда тураман. Кўпчилик мендан сиз кўп болали онасиз, уйингизга телефон туширишу учун наҳотки шунча йилдан бери навбатда турасиз, деб ҳайрон бўлишади. Тўғрисини айтсам, аризани ёзиб бергандан кейин бир-икки ерга мурожаат қилдим. Аммо, опахон, сиз сабр қилинг, сабрнинг таги олтин, дейишди, кутинг уйингизга албатта телефон туширишу берамиз, — деб ваъда беришди. Мана кутиб ўтирибман. Қачонгача кутар эканман?».

«1987 йилнинг охирида имтиёзли равишда телефон беришган эди. Номери 42-97-14. Мана бир ярим йилдан бери бир ой ишласа, бир неча ой ишламай қолади, — деб хат йўллабди Оренбург кўчаси, 81-уйда яшовчи М. Акаидов.

Январь ойининг бошида 42-АТС линия инженери Тўра Холхўжаевга мурожаат этсам: «Кабель узилган» деган жавобни берди. Сабабини эса тушунтирмади. Бир нарсага ҳайронман. Ён атрофимиздаги ўнта қўшнимизнинг телефони туппа-тузук ишлаб турибди. Кабель битта. Нега энди бизнинг телефонимиз бир ишлаб, бир ишламаётган экан?».

«Менга саккиз йил навбатда турганимдан кейин, ниҳоят телефон туширишу беришди», — деб ёзади Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, III группа инвалиди, Ҳовост кўчаси, 2-проезд 37 «а» уйда истиқомат қилувчи Н. Қосимов. — Олдинига яхши ишлаб турувди. Блокировка қилишгандан кейин ишлашидан ишламаслиги кўпайиб қолди. Мана, ҳозир эллик кундан бери 93-28-84 номерли телефоним ишламайди. Шикоят қилиб бормаган ерим қолмади. Мендек инвалидга уларнинг кўрсатаётган ғамхўрликлари шуми?».

Меҳнат ветерани, кўп болали она Мавжуда Файзиева редакцияга йўллаган хатни шундай бошлабди: «Биз Киров районининг Мукаррама Турғунбоева кўчасидаги 77-уйда истиқомат қиламиз. Олти фарзандим бор. Ўғил-қизларим турли ташкилотларда хизмат қилишади. Биз ҳам бошқа оилалар каби уймизга телефон ўрнатиш ниятида 1979 йил Киров район АТСига ариза бериб, навбатга ёзилдик. Қўлимизга 1979 йил I сентябридан навбатга турганлигимиз ҳақида «Извещение» беришди. Шунга ҳам жуда хурсанд бўлиб этдик. Бир-икки йил ўтгач, навбатимиз келиб қолганмикин, деб хабар олгани борганимда, «Навбатинглар ҳали келмади, кутинглар», — деб жавоб қайтаришди. Тўққиз йилда бери кутамиз. Наҳотки, навбатимиз шунча йилда ҳам келмаса? Мен ўзим меҳнат ветераниман. Юрак ва гипертония касалликлари билан оғриб тураман. Шундай пайтларда ўғил-қизларимга телефон қилишга ёки «тез ёрдам» машинасини чақиришда телефон йўлиги сабабли қийналаман. Ахир бу муаммони ҳал этадиганлар борми?».

Газетхонлар редакцияга ёзган шикоятларининг аксарияти ўринли. Хизмат маданиятини ошириш, телефон ўрнатиш муддатлари тўғрисида ветеранларга, кўп болали оналарга яхшироқ хизмат кўрсатиш борасидаги шаҳар телефон тармоқлари бошқармасининг олдида катта вазифалар турибди. Ўйлаймизки, бу камчилик ва муаммолар тезда бартараф этилиб, ҳамшаҳарларимизга қулайлик яратилади.

Р. ФАЗУЛЛАЕВ.

Мақсуд Шайхзоданинг

80 йиллигига

Икки халқнинг суюкли фарзанди

«ШАҲИД ҚОНИ КАБИ ТАБАРРУКДИР»

Қадим Шарқнинг алломаларидан бири: «Шоир қаламидан томган ҳар мисра шеър шаҳид қони каби табаррукдир», деган экан. Ҳаёт бу ҳикматли ҳақиқатни башар авлоди умри мобайнида тасдиқ этиб келмоқда. Буюк шоир ва аллома Мақсуд Шайхзоданинг қутлуғ адабий мероси ҳам ўзбек адабиёти хазинасининг ана шундай табаррук жавоҳирларидан.

Шоир қаламидан томган жавоҳир мисраларнинг аксарияти китобхонлар назар-эътиборига ҳавола қилинган ва ардоқли баҳосини олган. Бироқ, «Жалолиддин Мангуберди» драмасининг тақдири ўзгача бўлди. Аввал мазкур тарихий фожианинг драматик варианти яратилди. 1943 йилнинг ўрталари эди. Усмон Юсуповнинг тавсияси билан Шайхзода «Жалолиддин Мангуберди»нинг мусиқий вариантини ўша йилнинг декабрида ёзиб тугатади.

Драманинг дастлабки нусхаси Ҳамза номидаги театрда 1945 йил январь ойида саҳналаштирилди. Аммо, ВКП(б) МКнинг 1946 йилдаги маълум қароридан сўнг бизда ҳам фаол «тадбиркорлар» енг шимариб ишга киришди ва «мафкураси бузуқларни» дарҳол аниқлашди. «Шароб хумига шўнғиган» Собир Абдулла билан феодал ўтмишни идеаллаштирган Мақсуд Шайхзодани «фош» этишди. «Жалолиддин Мангуберди»га «тавқи лаънат» муҳри босилди, саҳнадан олиб ташланди.

Шу тариқа Мақсуд Шайхзода ва у каби ёт «унсурлар» атрофида ола-ғовур бошланди. Ниҳоят яна қама-қама бошланиб, бу тузоққа 1952 йил 21 сентябрда Мақсуд Шайхзода ҳам илинди. Уни 33 йил муддатга ҳукм этишди. Бутун архиви мусодара этилди. Сталиннинг вафотидан сўнг, 1954 йил ўрталарида домла оқланиб, озодликка чиқди. Архив чала-ярим қайтарилди. Лекин, «Жалолиддин Мангуберди»нинг на қаламий ва на машинка нусҳаси топилмади. Шайхзода яқин таниш-билишлари воситасида «кимда биронта машинка нусҳаси бўлса, истаган нархида сотиб оламан» деб овоза қилди, топилмади. Муаллиф бутун бошли классик асарини тополмай, афсуснадоматда, армон билан оламдан кўз юмди. Шоирнинг вафотидан сўнг бирон йил ўтар-ўтмас чорсулик бир сартарош менга дарак солди. «Жалолиддин Мангуберди»нинг машинка нусҳасини топишга муяссар бўлдим. Кейинчалик домла адабий меросини ўрганиш ва нашр этишга киришганимда аллақандай чиқинди қоғозлар орасидан драманинг ғижимлаб ташланган асл қаламий нусҳаси топилди. Яқинда эса «Ҳужжатлар папкаси»даги қоғозлар орасидан Муқимий театри учун махсус битилган дафтар чиқиб қолди.

Ниҳоят, қайта қуриш, ошкоралик ва демократиялаштириш шарофати туфайли «Жалолиддин Мангуберди» драмаси ҳам рўшноликка чиқди. Унинг драматик нусхаси 1987 йилда «Ёшлик» журналининг 6-7 сонларида, шунингдек, Мақсуд Шайхзода таваллудининг 80 йиллигига атаб чиқарилган «Дунё боқий» шеърий мажмуасига камина томонидан киритилди.

«Жалолиддин Мангуберди»нинг мусиқий нусхаси эса эндигина машинкадан чиқди. Ҳозир нашрга тайёрланмоқда.

Ундаги сюжет ва композиция сақланган. Юқорида қайд қилинганидек, «Дебоча» ва «Хотима»дан ташқари марказий персонажлар тилидан 20 га яқин ария-қўшиқлар битилган.

Ана шу драманинг мусиқий нусҳасидан «Дебоча» ва «Хотима» қисми муҳтарам оқшомхонлар эътиборига ҳавола қилинди.

Муҳсин ЗОКИРОВ,
М. Шайхзода адабий меросини ўрганиш ва нашр қилиш комиссиясининг масъул котиби, филология фанлари кандидати.

Мақсуд ШАЙХЗОДА.

БЎЛҒУСИ ШАҲАР

**Юртимнинг кўп тиғиз харитасига*
Қўнай деб тегишли жойни истар у,
«Тезроқ менга паспорт!» дея қистар у,
Чунки шаҳарларнинг оиласига —
Куёв аъзо бўлиб кирмоқчи экан,
Шу учун: мен тезроқ етилай деган.
Уники нақд экан: кўчалари ҳам,
Чароғон қўшиқли кечалари ҳам,
Пахта заводлари, ишхонаси ҳам,
Зилол ариқлари, ошхонаси ҳам,
Мактаблар, кинолар, боғзорлари ҳам,
Обкомнинг биноси, бозорлари ҳам,
Нақш бўлиб миянинг харитасига —
Рўёбга чиқмоқда эпчил қўлларда,
Ишда, машинада, ғиштда, йўлларда...
Йўлланма олибмиз кун эртасига.
Ҳа, Мирза чўлининг баракатидан
Бу шаҳар бўлғуси пахтанинг кони,
Ғолибкор планлар ҳаракатидан —
Гуллайди чўлларнинг қадим макони.
Энди харитада нуқтаси машҳур:
Бу жойда серқатнов шаҳар кўраман,
Ўзбек тупроғининг пахтаси машҳур,
Кузда далаларда гавҳар кўраман.
Элга ғазна бўлган пайкал кўраман,
Шаҳарда, майдонда ҳайкал кўраман.
Бу ҳайкал бахтларнинг ижодкорига,
Чўлистон гулидан бўлсин, деганга,
Декретга тарихий имзо қўйганга,
Яъни бу шаҳарнинг бинокорига...
Ҳар фарзанд отанинг фамилиясин
Фахр-ла кўтариб юрган сингари,
Бу шаҳар номларнинг ҳусни—сарасин
Муҳрига ўяди: «Ленин шаҳари».**

1957, март.

*Шеър матбуотда илк марта эълон қилинмоқда.

ЮРАК ҚУЙИ

**Сатрлар сўзлайди, сатрлар инграр,
Оташни қоғозга битибди қалам.
Шеър аро қай юрак сўзлайди титраб
Сатрлар сўзлайди, тинглар ҳар одам.
Ёнинки занжирбанд шеърнинг наъраси,
Шу-чун ҳайқирарми сатрлар айтинг!
Дунёда эзгулик, бахтнинг барисин,
Зарб билан сўзларми шеърнинг
ҳар байти!
Сатрлар сўзлайди мағрур жаранглаб,
Ёруғ олам билан қўмсарми висол!
Сатрлар сўзлайди эфирда янграб,
Қодир Махсумовнинг овози мисол.
Ҳа, сўзлар сатрлар, бедор тунларнинг,
Ҳисобсиз йўлларнинг ўйларидир бу.
Қалб билан дунёни кўролган азиз,
Шоир юрагининг куйларидир бу!**

Темур УБАЙДУЛЛО.

Мақсуд ШАЙХЗОДА.

Жалолиддин Мангуберди

(музикали драма, бир дебоча ва бир хотима билан тўрт парда етти кўриниш. Муқимий номидаги театр учун махсус)

ДЕБОЧА

Ўзбекистон шаҳарларидан бири. Боғчали ҳовли, дарвоза. Бир ёқда кўча кўринади. Музика ҳарбий марш чалади. Бир тўда аскар кўчадан ўта туриб марш айтади:

АСКАРЛАР МАРШИ
(хор билан)

Биз давр аскарлари жангга борамиз,
Малъун ёвни қирмоқдир улуғ чорамиз.
Яша, яша улуғ юрт эй дил норамиз!
Қайтармайди ўлим ва қонли ярамиз!
Бир икки! Бир икки!
Зафар бизники!

Шу гуруҳ асркарлар ўтиб кетади. Орқасидан иккинчи тўда келиб қолиб яна шу маршнинг давомини айтадилар.

АСКАРЛАР МАРШИ
(хор билан)

Олға, олға, олға! Ҳай пешқадам йигит.
Душман қоча олмасин, дарвозанг бекит.
Эски қилич сендадир,шарафли умид
Ўзбекистон азиз юрт, қасамни эшит.
Бир икки! Бир икки!
Зафар бизники!

Бу тўда аскарлар ҳам ўтиб кетади. Учинчи гуруҳ келади. Маршнинг давоми:

Қардошликдир севгимиз, халқлар паноҳи
СССРнинг байроғи, марднинг ҳамроҳи.
Азиз ота сиз бўлингиз қасам гувоҳи.
Бир икки! Бир икки!
Зафар бизники!

Бу тўда ҳам ўтиб кетади. Сукут. Саҳнада жимлик. Бир аскар келиб дарвозани тақиллатади. Чол ота эшикка чиқиб дарвозани очди. Аскар унга ҳарбий чақириқ варақаларини бериб кетди.

ОТА

(Қўлида икки варақа, чуқур ўйга ботиб бирдан сўзлади).

Ҳа... шундайдир тақдири азали демак.
Ўғил асраб бергумиз, ватанга кўмак,
Ёзилгандир кўп қадим таворихларда:
Боғлар сўлса, қурса ҳам сув ариқларда,
Қуримаса оталарнинг қуввати — пушти,
Фарзанддин обод бўлур ўлканинг дашти,
Тирикликдан не бордир оламда аъло,
Ўлим хавфи бўлмаса севилмас асло.

(Чақирди) — Ўрмонали? Ғазанфар, чиқинг бу ёққа! (Боғча томондан қўлида кетмон билан Ўрмонали, ўйидан эса қўлида китоб билан Ғазанфар чиқиб келадилар).

— Менга берингглар! (Улар қўлидан кетмон ва китобни олди). Мен ишлай.

ЎРМОНАЛИ ВА ҒАЗАНФАР

— Бизларчи ота?

ОТА

— Мана сизга улуғ иш (варақаларни берди).

Омон бўлинглар, элга яхши, душманга ёмон бўлинглар! (Йигитларда олижаноб ҳаяжон. Ота уйга кириб кетди).

ЎРМОНАЛИ ВА ҒАЗАНФАР:
(дуэт)

ЎРМОНАЛИ

— Алъонки, ватан чақирди бизни.

ҒАЗАНФАР

— Лойиқ бир ўғил деб иккимизни.

ИККОВИ

— Мардонавор эрга имтиҳондир
Бу шаҳру, бу ерга имтиҳондир.

ЧОЛ ОТА

— Тинглангиз, яхши тинглангиз,
Таворихлар мағзини чертиб англангиз!

ҲАММА

— Хўп, тинглаймиз!

ЧОЛ ОТА

(Қўлтиғидаги китобни очди. Ҳамма ҳам эшитгани тайёрланиб ўрни-ўрнига ўлтиришди).

— Ҳозир бошлай!...

(парда)

ХОТИМА

Яна биринчи кўринишдаги манзара. Ҳикоячи чолни тинглаб ўтирган йигит-қизлар, бурунги вақтда ўтирганлар. Ҳамма диққат.

ДОМЛА
(Китобга қараб)

Султонбегим сўнг сўзни айлади хитоб.

(китобни ёпиб)

Фарзандларим танишми сизга шу китоб?
Тамом бўлди шу китоб, қолди таворих,
Шерлар нафасидан варақлар сариқ.
Етти юз йигирма йил шу китоб умри.
Токчаларда ётганди ўшандан бери.

ЎРМОНАЛИ

Жалолиддин қўлида шу эски дафтар,
Насавий ёзиб қўйган қонли сатрлар.

ДОМЛА

Ҳа, ўшадур, шу азиз муқаддас битик,
Ўқиб ибрат олинглар ҳушёр битик.

ЁШЛАРДАН БИРИ

Қани унинг давоми?

БОШҚАСИ

Қайда битикчи?

БОШҚАСИ

Не бўлди Жалолиддин?

БИР ҚИЗ

Султонбегим-чи?

ОВОЗЛАР

Не бўлди толелари? Недир оқибат?

ЧОЛ

Ана қаранг!

Оғир музика унлари. Ҳамманинг кўзлари олдида ажиб бир манзара очилди. Парда орқасидан уфқ кўринди. Хаёллар олдида образлар пайдо бўлди. Уфқда Жалолиддин, Султонбегим, Темур Малик ва унинг кўр ўғли кўринди. Жалолиддин кўлида шамширни зарба учун тайёрлаб, тутиб туради. Султонбегим ўнг қўли билан бизнинг гўё замонамизга қараб ишора қилади. Темур Малик қўлида занжирлари бўлгани ҳолда кўр ўғлини қўлидан ушлаган. Донишманднинг қонли кўзлари кўринади. Ҳамма томошабинлар сеҳрланган ҳолда қотиб қолдилар. Бу лавҳа бир неча сониягина давом этди. Бирдан гўё улар секин қимирлагандай бўлиб, бир икки қадам бу ёққа қараб босгандай бўлиб эдиларки, бутун фусункор лавҳа ой равишида кўзлардан ғойиб бўлди.

Ёшлар ҳам фусункор образларнинг талқини остида бир неча сония михлангандай қотиб қолдилар. Сеҳр ўтиб кетди.

ЁШЛАРДАН БИРИ

Кўрдим, кўп аниқ! Бу ёққа келишдилар.

БОШҚАСИ

Ҳа, бу ёққа, ҳаммамиз гувоҳи таниқ!

Ёшлар ўз сирларини излагандай бўлиб у ёққа, бу ёққа, бир-бирларининг юзига ва сафлар ўртасига қарай бошладилар.

БИРИ

Қани улар, кўринмас!

ИККИНЧИСИ

Улар йўқ-ку?!

ОВОЗЛАР

Қани, қани қаерда?!

ДОМЛА

Сокит бўлинг ўғиллар, номусли қизлар,
Улар келди бу ёққа, аниқ — муқаррар!
Аммо излайсиз уларни ортиқча бекор,
Киши ўз шиорини излаши... даркор!

Аламонга турли миллат қиёфасидаги одамлар, руслар, қозоқлар, украинлар, гуржилар, озарбайжонлар, туркманлар ҳам кириб қолди.

Болаларим бу ердур улар ватани,
Сизлардадир уларнинг жони ва тани!
Ҳамма йигитлар, қизлар:

БИРЛИК ТАРОНАСИ
(Хор)

Аждодлардан салом келди ёронлар,
Келтирмуздир асрдийда бўронлар.
Ёлғиз қолди ул соҳиби қиронлар,
Бизга бирлик, бизга бирлик, ҳаводир!
Бирлик бизнинг савти наводир.
Қўлни қўлга берингиз ҳай, мард эрлар!
Бир юракдай, бир юракдай юрт, ерлар!
Бирликдадир зафар учун зўр сирлар,
Бизга бирлик, бизга бирлик, ҳаводир,
Бу бирликнинг ҳавоси ҳам вафодир!
Насавий эллари элимизга оғадур.
Осмонни бир, оби неъмат ёғадур.
Бирлик кучи машъум ёвни бўғадир,
Бизга бирлик, бизга бирлик, ҳаводир.
Биз куйласак, бирлик куйин раводир!

Парда.

Тамом.

1943 йил, август — ноябрь.

Авторнинг араб графикасида ёзилган асл нусхасидан транслитерация қилиб нашрга тайёрловчилар

**Сафо ЗУФАРОВ,
Темур ТУРАБОЕВ.**

Жонажон Ватан бўйлаб

⊙ МОСКВА. Серго Оржоникидзе номидаги «Станкостроительний завод» бирлашмасининг конструкторлик бўлими деталларнинг тишини шлифовка қиладиган янги дастгоҳнинг тажриба намунасини ишлаб чиқди. Агрегат йирик деталларга ишлов беришга мўлжалланган. Унда электрон бошқариш системаси бўлиб, у ниҳоятда аниқлиги ва пўхталиги билан ажралиб туради.

⊙ ДОНЕЦК. Украина ССР Госснаби регионал марказида тунука қирқилганидан сўнг бир грамм, ҳам металл нобуд бўлмайди. Ишга туширилган мазкур завод-ательеда оқилона қайта ишланган прокатнинг дастлабки туркуми региондаги 200 та корхона ва қурилишга жўнатилди. Қисқа муддат ичида 15 минг тоннадан ортиқ пўлат прокати тежалди.

⊙ АШХОБОД. Тинчлик, бутун дунёда одамларни бирлаштирадиган порлоқ умид ва орзу-истаклар учун кураш Ашхободда очилган кўргазманинг бош мавзуси бўлди. Туркманистон ҳайкалтарошлари ўз асарларини томошабинлар ҳукмига ҳавола қилдилар. Нурмуҳаммад Отаев яратган Салвадор Альенде ва Луис Корвалан портретлари диққатни жалб этади. Шулар билан ёнма-ён революция, Гражданлар ва Улуғ Ватан урушлари қаҳрамонларининг тасвири, Туркманистон пахтакорлари, нефтчилари, балиқчилари меҳнатини мадҳ этувчи композициялар жой олган. Ашхободликлар буюк давлат арбоблари портретлари — Маҳатма Ганди, Жавоҳарлал Неру, Индира Ганди портретларининг муаллифи сифатида танийдиган Мўмми Сейтмуродов яна Ҳиндистон мавзусига мурожаат қилди. Муаллиф яқиндагина ижодий сафарда бўлган мазкур мамлакат ҳақида меҳр билан ҳикоя қилди.

⊙ УЛАН—УДЭ. Бурятия пойтахтидаги Горький номли кутубхонада очилган китоблар кўргазмасини «Қайтарилган ҳақиқат» деб аташди. Китобхонлар бир вақтлар махсус сақланадиган жойга «яшириб қўйилган» мақолалар тўпламлари, журналлар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Булар орасида Лев Каменев сўз боши ёзган «Владимир Ильич Ленининнинг Максим Горькийга хатлари», биринчи Бутуниттифоқ ёзувчилар съездининг стенографик ҳисоботи, партия тарихига доир китоблар бор.

✦ КЕМЕРОВО. Кемерово кокс химияси заводида эскирган технологияли батареяларни ишлатишга барҳам берилди. Бу тадбир СССР Министрлар Советининг Кузбасс сув ва ҳаво ҳавзаси ҳолатини яхшилаш тўғрисидаги қарорида кўзда тутилган. Заводда экология жиҳатидан хатарли бўлган бошқа иккита цех—бензолни тозалаш ва қора мойни қайта ишлаш цехлари илгарироқ тўхтатилиб қўйилган эди. Одамлар саломатлиги—давлатнинг асосий бойлиги эканлигини эътироф этаётган маҳаллий партия ва совет органларининг қатъий позицияси шаҳар муҳитини мақсадга мувофиқ соғломлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Шунинг учун ҳам табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиши уларнинг қаттиқ назорати остида турибди.

✦ СТРАШЕНИ (Молдавия ССР). Молдавиянинг Страшени районида ишга туширилган завод ҳосилни химиявий ҳимоя қиладиган қоришмаларни тайёрлаш учун табиий бирикма — юқори сифатли оҳак ишлаб чиқара бошлади. Заводнинг дастлабки маҳсулоти республиканинг колхоз ва совхозларига жўнатилди. Иқтисодий самара билан бирга экологик софлик ҳам таъминланади.

— Ҳосилни ҳимоя қилиш учун ишлов бериладиган қоришма ҳолидаги оҳакдан фойдаланиш боғлар, токзорлар ва сабзавот майдонларида пестицид таъсирини камайтиради. Корхонанинг технология линиялари қарийб етмиш минг тонна оҳак олиш имконини беради. Бу эса республика хўжаликлари эҳтиёжини тўла таъминлайди.

ҚАЙДАСАН, СЕМЛЕВ КАРТОШКАСИ!

Картошка Смоленск областининг Вяземский районидаги «Семлевский» совхозининг ҳамиша асосий экинларидан бири ҳисобланарди. Аммо сўнгги йилларда унга эътибор сусайиб кетди: экин майдонлари 300 гектардан 150 гектарга камайди, ҳосилдорлик эса 1986 йилги 86 центнердан 1988 йилга келиб, 47 центнергача тушиб қолди. Ўз навбатида унинг таннархи икки баравар ошиб, бир центнерининг нархи 34 сўмга етди. Картошка етиштириш зарар келтира бошлади.

Совхозда уруғчилик ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Кўп йиллардан бери навлар янгиланмайди. «Иккинчи нон»га ишлов берувчи ва йиғиштириб олувчи техника ҳам тайёр эмас, ҳали уни ремонт қилишга ҳатто киришишмаган. Ҳозир хўжалик раҳбарлари тармоқни рентабелли қилиш чораларини кўришяпти. Аммо қилинадиган ишлар кўп. Бунинг учун коллектив катта куч-ғайрат сарфлаши, район ва область агросаноат бошқармалари яқиндан ёрдам беришлари керак.

Ваҳоланки, қачонлардир «Семлевский» совхози картошкадан мўл ҳосил олиб шуҳрат қозонганди. Маҳаллий қумли тупроқда етиштирилган қумоқ-қумоқ картошкани меҳнаткашлар бажонидил харид қилишарди.

СУРАТЛАРДА: бундай картошкадан мўл ҳосил олишга умид қилиб бўлмайди; чуқур қор остида қолиб кетган картошкага ишлов берувчи техника.

Г. Калачьян фотолари,
ТАСС фотохроникаси.

✦ КАЛЯЗИН (Калинин области). Волга бўйидаги ана шу шаҳарда ишга туширилган тажриба - механика заводининг маҳсулоти дала ва ферма неъматларини яхшироқ сақлаш ва қайта ишлаш имконини беради. Корхона қайта ишлаш саноати, умумий овқатланиш корхоналари чорвачилик фермалари учун нестандарт буюмлар ишлаб чиқара бошлади. Бу—холодильник ускуналар, ўраш автоматлари, бўлиш линиялари, бошқа арегатлар ва мосламалардир.

✦ ГРОЗНИЙ. Маҳаллий университет кафедраларидан бирида эксперимент тарзида ташкил этилган психология ёрдами хизмати шаҳарга жуда керакли бўлиб чиқди. Иложсиз вазиятлар йўқ, аммо одамлар ўртасида тушунмовчиликлар бор, деб ҳисоблайдиган тажрибали мутахассислар ҳузурига турмушда қийин вазиятга тушиб қолган кишилар маслаҳатлар олиш ёки шунчаки ҳамдардлик сўзларини эшитиш учун бажонидил келишади. Эксперименттинг муваффақияти психология тез ёрдами доимий хизматини йўлга қўйиш ниҳоятда зарурлигини тасдиқлади.

✦ ЖАНУБИЙ САХАЛИНСК. Жанубий Сахалинскда яшовчи Лим Тен Чури «спортлото» ютуғини майда пуллар билан оладиган бўлса, уларни жойлаштириши учун жуда катта сумка керак бўлар эди. Зўр омад туфайли у 101 минг 870 сўм ютди. Оролда жойлашган областда истиқомат қиладиган Лим Тен Чурининг омади Москвада юришди, у пойтахтда рақамли — спорт лотереяси билетларини сотиб олди-ю, узоқ ўйлаб ўтирмай унинг икки вариантини тўлдирди ва тўппа-тўғри нишонга тегди. Қонунга кўра, Лим Тен Чури яп-янги «Волга»ни навбатдан ташқари харид қилиш ҳуқуқига эга бўлди ва бу ҳуқуқдан дарҳол фойдаланди.

(ТАСС).

РУҲИЯТНИ ҚЎЗҒАСА...

⊙

**Азизлар, яхшини яхшироқ сақланг,
Инсон деган номнинг поклигин оқланг.
Ўлганда қайғуга ботишдан кўра —
Ҳаётлик чоғида асраб-авайланг.**

⊙

**Одамлар, бир-бирингизни сақланг,
Ошна деган сўзнинг қадрини оқланг.
Ҳаётдан ўтганда куйишдан кўра,
Тириклик чоғдаёқ офатдан сақланг.**

⊙

**Дўстлар, ёшми-кексами, яхшини сақланг,
Онангиз оқ сутин оқлигин оқланг.
Кишилар жиғига тегиш, ранжитиш
Ва асабга тегишдан ўзни сақланг.**

Бундай мисоллардан яна кўплаб келтириш мумкин. Қизиғи шундаки, оддий шеърхонларгина эмас, балки, шоирлар, шеършунослар, олимлар ҳам бу тўртликнинг ўз «вариантлари»ни яратиб олганлар. Дарвоқе, таниқли шоир Шукрулло ўзининг «Шайхзода хотирасига бағишлаган ва «Ибрат» деб номланган мақоласида («Мақсуд Шайхзода замондошлари хотирасида» Т. 1983, 79-бет) шундай деб ёзади: «Олижаноб инсон, улкан ижодкор Мақсуд Шайхзоданинг ижоди ёки ўзи ҳақидаги айрим хотира ва таассуротларингизни айтиб берсангиз, деб кимдир мендан сўрагудек бўлса, ўйлаб-нетиб ўлтирмасдан, ўша заҳотиёқ ҳаммага машҳур ва тилдан-тилга юрган:

**Дўстлар, яхшиларни
авайлаб сақланг!
«Салом» деган сўзнинг
салмоғин оқланг!
Ўлганда юз соат йиғлаб
тургандан —
Уни тиригида бир соат
ёқланг!** —

деган унинг тўрт йўл шеърини ўқиб, Мақсуд Шайхзода мана шу, унинг бутун ижоди ҳам мана шу айтилган мазмунга асосланган, деб жавоб берардим».

Шоир ва журналист Абдувоҳид Мулламуҳамедов ўзининг район газеталаридан бирида «Оқибатларимиз ортаверсин» деган номда эълон қилган мўъжазгина мақоласида шундай деб таъкидлайди: «Меҳру оқибатда гап кўп. Киши ҳаётда ниманингдир умиди билан яшайди, умид сўнган куни эса шубҳасиз, умр тугайди. Оқибатда дўстлар бир-бирига таянч. Боши ёстиққа текканда қадрдон дўстини, яқин-йироқ қариндошини бир кўргиси, тўйиб дардлашгиси келади, кишининг. Буларнинг ҳаммаси меҳру оқибат туфайли. Бу хусусда доно фикр юритган жуда кўп алломаларни биламиз. Чунончи, умриабад шоир Мақсуд Шайхзоданинг шу мавзудаги бир рубоийси ҳар жиҳатдан эътиборга арзигулиқдир:

**Дўстлар, салом сўзин салмоғин сақланг!
Меҳру оқибатда бурчингиз оқланг!
Ўлганда минг бора фарёд қилгунча,
Уни тиригида бир марта йўқланг!».**

Шундай қилиб, Мақсуд Шайхзоданинг бир тўртлиги халқ орасида ҳам, зиёлилар орасида ҳам тилдан тушмай айтилиб келмоқда.

Малик МУРОДОВ,
профессор.

Маданият янгиликлари

✦ ҲАМЗА ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНАДИ

Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш республика жамиятининг Қўқон бўлими Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган куннинг 100 йиллигига чиройли қилиб безатилган плакат чиқарди. Плакат учун материаллар тайёрлашда шаҳар ўлкашунослик музейи коллективи ҳам иштирок этди.

Плакатда революция куйчисининг ҳаёти ва ижоди ҳақида, унинг Ўзбекистон музика ва театр санъатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилинади. Унда Ҳамза асарларидан олинган парчалар жой олган, ижодкорнинг адабий мероси ҳақида маълумотлар ҳам берилган.

✦ АСРЛАР ҚАЪРИДАН ОТИЛИБ ЧИҚҚАН ҚЎШИҚЛАР

Янгиер шаҳрида катта фольклор байрами бўлди. Унда халқ қўшиқлари ва рақслари, расм-русмлар ва кийим-кечаклар, ўтмиш ашёларининг намойиш этилиши бир-бири билан уйғунлашиб, ажиб манзара кашф этди. Ўзбек халқи бадиий анъаналарида асрлар бўйи жамулжам бўлган энг яхши нарсаларни кўрсатиш истаги байрамга келган кишиларни бирлаштирган эди.

Ҳамма нарса ўз-ўзидан бошланди: Ховос станцияси посёлкасининг 18-маҳалласида истиқомат қилаётган уй бекалари ва пенсионер аёллар ўзларининг «Орзу» деб аталган ҳаваскорлик ашула ва рақс ансамблини тузишга аҳд қилишди. Шу мақсадда энг яхши ижрочиларни тўплашди, Ховос районидаги қишлоқларда халқ оғзаки ижодининг ажойиб намуналарини ёзиб олишди.

Шундай қилиб, ўзига хос репертуари бўлган ансамбль дунёга келди ва у тез орада бутун районга маълум бўлди. Бу ишдан «Карвонсарой» маҳалласи хотин-қизлари ҳам четда қолмадилар. Улар халқ усталари тайёрлаган, ҳозир деярли унутилган ўтмиш ашёларини ҳам эсга олдилар. Булар кийим-кечаклар, уй жиҳозлари, турли-туман тақинчоқлар эди.

Томошабинлар Янгиерда бўлган байрамда ана шу нарсаларнинг барчасини ўз кўзлари билан кўришди. Шундан кейин кўҳна миллий ашёлар музейини ташкил этиш фикри туғилди. Дарҳақиқат, амалда унинг экспонатлари тўплаб бўлинган эди. Ҳар икки маҳалла комитетининг раислари Р. Алимов ва М. Қурбонов ана шу ниятни амалга оширишга киришдилар. Бундай байрамларни Янгиерда анъанавий тарзда ўтказиб туришга қарор қилинди.

✦ 89 МИНУТ КУЛГУ

Ленинград Давлат Академик комедия театрининг артистлари Тошкентда шундай деб аталган программани кўрсатдилар. РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар Л. Леонидов ва В. Никитенко, артист Л. Милиндер ана шу программада иштирок этдилар. Бу комедия театри тарихига, унинг бадиий анъаналарига ўзига хос ретроспектив назар ташлашдан иборат бўлди.

Шеърлар, қўшиқлар ва сатирик миниатюраларни томошабинларга етказишнинг моҳирона шакли, актёрларнинг томошабинлар билан эркин мулоқоти залда чинакам театр гурунги, мутлақо кутилмаган саҳна топқирлиги ва бадиҳабозлик муҳитини вужудга келтирди.

— Биз ленинградлик артистларни Тошкентга таклиф этиб, шаҳримиз аҳолисини ҳозирги вақтда деярли унутилган театр гурунглари жанри билан таништиришни истадик,— дейди «Орфей» авторлар қўшиқлари бирлашмасининг раҳбари И. Хилкова. — Бир вақтлар, айниқса аср бошларида, 60-йилларда театр қизиқчилари томошабинлар орасида ғоят машҳур эдилар. Москва бадиий Академик театри, Малий театр ва бошқа машҳур театрларнинг анъаналарини эсга олиш кифоя. Театр гурунгларида Н. Качалов, И. Москвин, А. Тарасова, М. Тарханов, И. Ильинскийларнинг ўткир ҳазил-мутойибалари рус ва совет театр санъати тарихига унутилмас саҳифалар бўлиб кирган.

«89 минут кулгу» программасида бундан ташқари актёрларнинг ўзлари яратган қўшиқлар янгради. Шунинг учун ҳам ленинградликлар кўрсатган томошалар қўшиқларнинг авторларига ҳам бевосита тааллуқлидир.

(ЎзТАГ мухбирлари).

Ёпиқ заллар учун лангар билан баландликка сакраш бўйича янги жаҳон рекорди эндиликда роппа-роса 6 метрга тенг. Уни Ленинград шаҳрида ўтган енгил атлетика бўйича Бутуниттифоқ мусобақаларида тошкентлик спортчи Радион Гатаулин ўрнатди.

СУРАТДА: халқаро классдаги СССР спорт мастери Р. Гатаулин ўз тренери В. Р. Коган билан.

Ф. Қурбонбоев фотоси, ЎзТАГ фотохроникаси.

КОМПЬЮТЕРЛАР БИЛАН ДЎСТЛАШИБ

«Согдиана —1», «Бейсик—80» ...Эндиликда бу каби иборалар умумий таълим мактабларида тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Ҳақиқатдан ҳам ўқув программаларига «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» курсининг киритилиши билан ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини оширишда фойдаланиладиган дисплейларга бўлган эҳтиёжи янада ортди.

Тошкентдаги политехника алоқа техникумида ҳам ёшларнинг компьютер саводхонлигини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. «Согдиана—1» аппарати асосида иш олиб борилмоқда.

Ўқувчи ёшларни «Бейсик»—80» компьютерли программа билан яқиндан ошно қилишда компьютер воситалари таълими лабораториясининг ёрдами катта бўлмоқда. Шунингдек, «ақл»-ли машиналар билан «тиллашиш» юзасидан қўшимча машғулотлар ўтказиш ҳам йўлга қўйилди.

С. ОДИЛОВА.

ЯНГИ ГУЛ ДЎКОНИ

Янгиланиш жараёнида шаҳримиздаги бекатлар ҳам кундан-кун чирой очиб бормоқда. Айниқса, аҳолига қулайлик туғдирувчи бу ерлардаги турли-туман савдо шохобчаларининг қисқа муддат ичида битказилиб ишга туширилиши ҳамшаҳарларимизга йўл-йўлакай ҳам рўзғорга керакли нарсаларни харид қилиш имкониятини яратяпти. Бу ишлар натижасида одамларнинг қимматли вақтлари тежалмоқда.

Яқинда Юнусобод массивининг қоқ марказидаги «Универсам» магазини рўпарасида шинамгина «Гуллар» дўкони пайдо бўлди. Ойнаванд ишланган замонавий бу магазин «Тошкент гуллари» фирмасига қарашли. Унда совхоз ва колхоз теплицаларида шаҳарликларга атаб етиштирилган рангбаранг гуллар билан савдо қилинади.

А. ҲАМДАМОВ.

Спорт

Голланд футболининг «юлдуз»и

Футбол пайдо бўлибдики, унинг «юлдуз»лари ишқибозлар дилини хушнуд этиб, уларга олам-олам завқ-шавқ бахш этиб келганлар. Зеро, кўп ишқибозлар буюк футболчиларнинг ўзига хос, қайтарилмас ўйинидан завқ олиш учун ҳам стадионга келадилар. Футболда ҳар бир вақтнинг ўз «юлдуз»лари бўлади. 60-йилларда — Пеле, 70-йилларда — Круифф, 80-йилларда—Платини, 80-йилларнинг охирларига келиб мухлислар томонидан «учар голландиялик» номини олган 23 ёшли голланд футболчиси Марко ван Бастеннинг номи футбол оламида ёрқин из қолдирди.

Ван Бастен ўтган йилги мавсумда бир футболчига насиб этиши мумкин бўлган деярли барча совринларнинг соҳиби бўлди. Европа биринчилигида олтин медални ҳамда энг сермаҳсул ҳужумчи ва ўйинчи сифатида «Олтин бутси», «Олтин тўп» совринларини қўлга киритган бўлса,мавсум охирида жаҳон ва Европанинг энг яхши ўйинчиси деб тан олинди. Яна, у 1986 йилда Европа футбол клубларининг энг сермаҳсул ҳужумчисига бериладиган «Олтин бутси» совринига ҳам сазовор бўлганини ҳисобга олсак, унинг катта маҳорат эгаси эканлигини ҳис этамиз.

Одатда, доимо иши ўнгидан келадиган кишиларни «кўйлакда туғилган одам» деб аташади. Марко ван Бастенга ҳам шундай иборани ишлатсак, асло муболаға бўлмайди. Зеро, унга энг қийин вазиятларда ҳам доимо омад кулиб боққан. Биринчи марта 1986 йилда кучли жароҳат туфайли қаторасига бир неча ўйинларда иштирок эта олмаган бўлса ҳам, охирги 2 ўйинда тўплар киритиб [бизнинг Олег Протасовдан атиги 1 та тўп ортиқча киритган ҳолда] «Олтин бутси» мукофотига сазовор бўлган эди. Иккинчи марта эса иккала тиззаси кучли жароҳатланганлиги сабабли 1987 йилнинг октябридан 1988 йил апрелигача ўйинларда иштирок эта олмади. Ҳатто унинг футболни тарк этиши ҳақида гаплар бўла бошлади. Голландия терма командасининг бош тренери Ринус Михельс уни Европа биринчилигига олиш-олмасликни ҳам ўйлаб қолган эди.

Лекин ван Бастен 6 ойлик «мажбурий» танаффусдан сўнг Европа биринчилигида шундай кучли ўйин кўрсатдики, жаҳон футбол мухлисларининг юрагини забт этди. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. У жароҳатдан сўнг спорт формасини гиклаш учун ўз устида узоқ ишлади, жуда кўп тер тўкди, ҳатто командадошлари дам олаётганларида ҳам унинг қўшимча машқлар қилаётганини кўриш мумкин эди.

Баланд бўйли, истараси иссиқ бу ўйинчи 1983 йилда Мексикада бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилигидаёқ мутахассислар тилига тушган эди. Голландиянинг «Аякс» командасида ўзининг биринчи ўйинини 17 ёшида ўтказган эди. Бу ўйинда у машҳур футболчи Круиффнинг ўрнига майдонга тушиб, ҳатто иккита тўп ҳам киритди. Шушу унинг ўйини тобора юксалиб борди.

Ҳозирда Италиянинг «Милан» командасида тўп сураётган ҳужумчи 22 ёшигача Голландия биринчилигида тўла ўтказган 4 та мавсумнинг ҳаммасида ҳам энг сермаҳсул ҳужумчига бериладиган совринни қўлга киритди.

Ван Бастеннинг ўйин услуби худди балетчиларники каби енгил, нозик ва чиройли. У ҳар хил вазиятлардан ҳам аниқ зарбалар бера олади. Уни дарвозага тўп киритиш бобида туғма қобилият эгаси десак ҳато қилмаймиз. Тўп бошқаришда машҳур командадоши Гуллитдан маҳоратлирокдир.

Ван Бастеннинг аввалги тренери Аад де Мос ҳатто: «Бастен голларининг кўплари чинакам санъат намунасидир. Буни сиз бошқа ҳеч кимда учратмайсиз», — деб таъкидлаган эди. Бастеннинг Европа биринчилигининг финал ўйинида терма командамиз дарвозасига киритган тўпи бунинг ёрқин далилидир.

Голландия футбол тарихида энг зўр ўйинчи ҳисобланган Йохан Круифф ван Бастен ҳақида: «У футбол театрининг моҳир актёридир. Баъзида жароҳати туфайли маҳоратини тўлалигича намоён қила олмаса ҳам, ҳатто шу ўйинларда ҳам голлар уради, у бир ўзи бутун ўйин тақдирини ҳал қилиши мумкин»,— деганида шубҳасиз ҳақ эди.

Юксак маҳорат эгаси, ёш футболчининг ҳали келажаги олдинда. Италияда 1990 йили бўладиган жаҳон биринчилигининг энг яхши ўйинчиси бўлиш учун барча имкониятлари етарли.

Дилшод ИСРОИЛОВ тайёрлаган.

Бу—қизиқ

МИТТИ КИТОБ

Ҳозирги пайтда замонавий техникани ишга солиб, китоб саҳифасини бир квадрат миллиметрнинг ўндан бир улушигача ўлчамда кичрайтириш мумкин. Худди шундай китоблардан иборат бутун бир кутубхонани чўнтакка бемалол сиғдирса бўлади. Англиялик мўъжаз китоблар устаси Э. Ц. Бау катталиги тўғнағич бошидек келадиган қоғоз «варағи»га инглиз алифбесининг ҳамма ҳарфларини бирма-бир ёзиб, жойлаган. У яна оддий почта открткасида юз эмас, минг эмас, балки ўттиз минг(!) сўздан иборат мактубни ёзишга муваффақ бўлган.

ЕИЛАДИГАН ГАЗЕТА

Матбаа санъатида ўта оригиналликка интилиш оқибатларини қуйидаги мисоллардан ҳам билиш мумкин. Ҳозирги вақтда ипак, чит каби матоларга босилган китоб ёки журналларни учратиш мумкин. Францияда чиқадиган «Реал куотилен» («Кундалик ширинликлар») газетасини юпқа... хамир қоғозда босишга муваффақ бўлишди. Бу газетани ўқиб бўлгандан кейин, оғизга солиб еявериш мумкин.

ТУЯЛАР НЕГА СУВ ИЧМАЙДИ?

Шимолий Африкада қиш ойларида туялар ҳеч суғорилмайди. Улар ўзларига керакли сувни истеъмол қилаётган ўтлардан олишади. Туялар устида олиб борилган кузатувлар шуни кўрсатдики, улар фақат ҳашак билан боқилган тақдирда ҳам бир неча ҳафта сувсиз яшай олади. Бу пайтда улар ўз оғирликларининг 35 процентини йўқотганда ҳам иш қобилиятларини сақлар экан. Туяларга сув бера бошлаганда ўз вазнини тез кунда аввалги ҳолга келтиради.

Туя бир йўла 100 литр сув ичиши мумкин. Туя ичган сувини жуда тежаб сарфлайди, у кам суюқлик чиқаради ва кам терлайди. Ёз кунлари танасининг ҳарорати 40 даражага етгандагина терлай бошлайди. Кечалари эса туя танасининг ҳарорати 34 даражага тушади.

Туяларнинг қалин юнги уни иссиқдан сақлаб туради. Тажрибалар шуни кўрсатдики, юнги олинган туялар нормал юнгли туяларга нисбатан 60 фоиз кўпроқ тер чиқарар экан. Туяларнинг ўзига хос табиий белгилари туфайли улар чўл шароитида 17 кунгача иш қилиш қобилиятини йўқотмайди.

Ғуломжон ЮСУПОВ тайёрлаган.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

26-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

10-синфни тамомлаган ёшларни

ҳамда Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган йигитларни

ЯНГИ ҚУРИЛАЁТГАН ТОШКЕНТ ЧИННИ ЗАВОДИДА ИШЛАШ УЧУН

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚИСҚАРТИРИЛГАН ГРУППАЛАРГА

ўқишга қабул қилади

Чинни пиширувчилар, чинни шаклини тайёрловчилар, электромонтёрлар, вентиляция ускуналари бўйича слесарлар, саноат машиналарини ремонт қиладиган слесарлар, аэрограф усулида безовчилар.

Билим юртига 10-синфни битирган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати ҳамма мутахассисликлар учун 6 ой.

Ўқишга қабул қилинганларга 70-80 сўм миқдорида стипендия берилади.

Билим юртини тамомлаганларга эгаллаган мутахассислиги ҳақида диплом берилади. Шунингдек, аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юрти битирувчилари Тошкент чинни заводига ишга жойлаштирилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: директор номига ариза, паспорт (кўрсатилади), турар жойидан справка, маълумоти ҳақида гувоҳнома, медицина справкаси (0 86/У форма), 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, меҳнат дафтарчаси, таржимаи ҳоли, ҳарбий билет ёки гувоҳнома (йигитлар учун).

Ўқиш группалар йиғилиши билан бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 17-тупик (100, 59, 76, 166-автобусларнинг «Қўштут» бекати). Телефонлар: 44-30-07, 44-15-86.

6-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989-1990 ЎҚУВ ЙИЛИДА

ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ УЧУН

қабул эълон қилади

ҚУРУВЧИ-ДУРАДГОР, БУЁҚЧИ-СУВОҚЧИ, БУЁҚЧИ АЛЬФРЕЙЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, ҒИШТ ТЕРУВЧИ.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ЯШОВЧИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10 йиллик маълумотга эга бўлганларга 30 сўм стипендия, 8 йиллик маълумотга эга бўлганларга 3 маҳал овқат, махсус кийим-бош берилади ва ишлаб чиқариш вақтидаги меҳнат ҳақининг 50 процанти тўланади.

Ўқув вақти меҳнат стажига киритилади.

Билим юртида қисқа муддатли (6 ойлик) электр пайвандчи, ғишт терувчи мутахассисликлари бўйича курслар очилган. Курсларга ўрта мактабни тугатган, Совет Армиясида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинадилар. Уларга 75 сўм стипендия тўланади.

БИЛИМ ЮРТИДА ТУРЛИ ТЎГАРАКЛАР, СПОРТ СЕКЦИЯЛАРИ, ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, ота-онасининг ишлаш жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см), автобиография, характеристика.

Адрес: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 69 (1, 4, 101э, 63-автобусларнинг «М. Горький» номли метро станцияси; 17, 18-троллейбусларнинг «Партия мактаби», 6, 13, 22-трамвайларнинг «Партия мактаби» бекатлари).

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

«ҚИЗИЛ ТОНГ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги

48-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989-90 ўқув йили учун

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг пойтахтга яқин районларида яшовчи, 8-10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар қабул қилинади.

Билим юрти хотин-қизлар, эркаклар ва болалар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-моористкалар тайёрлайди.

8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар 3 йил ўқийдилар ва бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни битирганларидан сўнг улар ўрта маълумот ва касб эгаллаганликлари ҳақида диплом оладилар.

Ўрта маълумотга эга бўлган қизлар 1 йил ўқийдилар ва улар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида ўқувчилар Индира Ганди номидаги маданият саройида бадиий ҳаваскорлик ва бошқа истаган тўгарак, спорт секцияларида иштирок этишлари мумкин. Ўқувчилар санаторий-профилакторий ҳамда корхона медицина хизматидан тўла фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойдан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси, 3х4 сантиметр ҳажмидаги 4 дона фотосурат, характеристика, таржимаи ҳоли.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5 «А» уй. Телефон: 33-19-24 (2, 3, 25, 60 э, 71, 80-автобуслар; 1, 2, 5, 9, 10, 24, 26-трамвайлар; 1, 5, 8, 10, 17-троллейбусларнинг «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати).

ҲАВАСКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, I—II-Бутуниттифоқ халқ театрлари фестивалининг лауреати

ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ШАҲАР ХАЛҚ ТЕАТРИ

ЎЗ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАҚСАДИДА

ДРАМА БЎЙИЧА

ҲАВАСКОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ХОҲЛОВЧИ ҚИЗ ВА ЙИГИТЛАР ТЕАТРГА ЁЗИЛИШЛАРИ МУМКИН.

Бизнинг адрес: Ҳамза кўчаси, 10-уй (1, 18, 21-троллейбусларнинг «Калинин майдони» бекати).

ХАЛҚ ТЕАТРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТА ТЕАТРИДА — 31/I да Фаут.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/I да Ксиолан.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/I да Нурхон.

Кино

30, 31 ЯНВАРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «КИНГ-КОНГ» (катта зал, 11 12.30, 16, 18.30, кичик зал, 12 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «КИНГ-КОН» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Ватан — «МЕНИНГ СМИМ АРЛЕКИНО» (11, 13.30, 1 18.30, 20.45).

Восток — «МЕНИНГ СМИМ АРЛЕКИНО» (11, 13.30, 1 18.30, 21.00).

Тошкент Советининг 1 йиллиги — «ҚОНУНДАГИ ЎҒРИЛАР» (11, 13.30, 16, 18.30 21.00).

Қозоғистон — «КИНГ-КОНГ» (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20 21.00).

Москва — «МЕНИНГ СМИМ АРЛЕКИНО» (16.00); «ЎЛМУШ-КЕТЁР МИСОЛИ» (11, 13.30, 18.30, 20.40).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИН» (11, 13.30, 20.00).

Дружба — «ТЎРТ ОҒИНИ» (11, 12, 14, 15, 20, 20.30 «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИН» (17, 18.00).

Лисунов номли — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (11 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Тинчлик — «ҚАЙТА ТУҒ, ЕМ-ҒИР» (11, 13.30, 16, 18.30 21.00).

К. Ерматов номли — «ФИТНАЧИЛАР УЮШМАСИ» 1, 13, 15, 17, 19, 21.00).

Автомат-жавоб беруғи телефонлар:

С. Раҳимов номли — 446-71.
ЎзССР 25 йиллиги — 4-65-87
Нукус — 46-70-69
Ҳамза номли — 91-104
Шайхзода номли — 439-74
Искра — 39-14-59.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Денгиз ҳайвонлари» программасининг янги программаси (31/I да 19.30 да; 1/II да 19.30 да).

Замонавий музика аппаратураларини харид қилгани Бош универсал магазинига!

МАГНИТОФОНЛАР, РАДИОЛАР, ҚУРАМА АППАРАТУРАЛАР ШУЛАР ЖУМЛАСИДАНДИР.

МАРҲАМАТ, МАГАЗИН ТАКЛИФ ЭТАЁТГАН АЙРИМ ТОВАРЛАРГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ.

«РОССИЯ-211 СТЕРЕО»

БИР ТЕЗЛИКДА ИШЛОВЧИ ҚАССЕТАЛИ МАГНИТОФОН.

Самарадор шовқинни пасайтириш системаси овозни тиниқлаштириш имконини беради. Ўзига хос счётчик лента айланишини кўрсатиб туради ва зарур ёзувни тез топиш имконини беради.

Магнитофон ихчам, вазни ҳам оғир эмас, қуввати — автоном.

Нархи — 344 сўм.

«ВЕГА-119 СТЕРЕО» МАГНИТОЭЛЕКТРОФОНИ

Бир корпусда проигриватель (ПХР да ишлаб чиқарилган), магнитофон приставкаси (ВХР) ва овоз кучайтиргич бирлаштирилган. Комплектга иккита алоҳида акустик система ҳам киради. Конструкциясида шовқин пасайтиргич, неча метр лента айланганини ҳисоблаб борувчи электрон счётчик, «Обзор» программани тез излаш мосламаси кўзда тутилган. Олдинги панелида лента типини кўрсатувчи автомат переключатели ҳам бор.

Нархи — 633 сўм.

«СИРИУС-316 ПАНО»

ПАНОРАМ-ҲАЖМЛИ ОВОЗГА ЭГА РАДИОЛАДИР.

Бу демак, уни эшитаётганда сиз ўзингизни бамисоли концерт залида ўтиргандек ҳис этасиз.

Грампластинкалардаги моно ва стерео ёзувларни, ташқи магнитофон ёзувларини тинглаш имконини беради.

Узун, ўрта, 1-қисқа ва II--қисқа, ультра қисқа диапазондаги радио программаларини қабул қилади.

Нархи — 154 сўм.

Бош универсал магазинда шунингдек «СОНАТА-211», «ИЛЕТ-110» магнитофонлари, «ИССИҚКЎЛ-101» стерео магнитофон-приставкаси ҳам бор.

ГУМ (Телефон: 42-27-39).

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

5 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16.00 да

«Дўстлик тароналари»

УЙҒУР АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИГ

КОНЦЕРТИ

ПРОГРАММАДА: уйғур ва ўзбек халқ классиҳамда замонавий қўшиқлари.

Билетлар В. И. Ленин номидаги СССР Халқларидўстлиги саройи кассаларида ҳар куни соат 14.00 данбошлаб сотилмоқда.

Кўпчиликнинг талабига биноан

ТошДУ Маданият саройи қошида

эски ўзбек араб алифбосида ўқиш ва ёзишни ўргатадиган

6 ОЙЛИК КУРСГА

қўшимча

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар 15 февралдан бошланади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ Маданият саройи, 41-хона, Телефон: 46-39-55.

Бутуниттифоқ стандартлаш, маҳсулотлар сифати ва метрология тармоғи раҳбарлари ва инженер-техник ходимлари малакасини ошириш институти

ЎЗБЕКИСТОН ФИЛИАЛИ

кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Стандартлаш ва маҳсулот сифатини бошқариш, метрология (доцентлар, фан кандидатлари).

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ариза, конкурс низомига мувофиқ тегишли ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилади: 700059, Тошкент шаҳри, Волгоград кўчаси, 9 «в» уй. Телефон: 53-80-85.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ ҚОШИДА эски ўзбек тили ва ёзувини ўрганиш бўйича бир йилга мўлжаллаган ПУЛЛИК

КУРС ОЧИЛАДИ

КУРС МАШҒУЛОТАРИ I МАРТДАН БОШЛАНАДИ.

Курсга қатнашишни истовчи ўртоқлар институт қабулхонасига мурожаат қилишлари мумкин.

Адрес: 700170, Тошкент шаҳри, 170-алоқа бўими, И. Мўминов кўчаси, 9-і, 2-қават, 200-хона (13, 2, 6-трамвайлар; 17, 18-троллейбуслар; 1, 17, 71, 83автобуслар билан борилади Телефонлар: 62-43-67, 6-42-64.

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехникинститути томонидан Тошатов Ахмадали Ҳайдарович номига берилган Б-I 87247 номерли йўқолган ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент политехника институти кон-металлургия ва геология-қидирув факультетларининг деканатлар ва жамоат ташкилотлари ҳамда «Кон ва геология-қидирув ишлари экономикаси ва уни ташкил қилиш» кафедраси коллективи доцент З. Р. Зокировга ўғли УЛУҒБЕКнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; социал проблемалар — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32.54.15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари, ҳар куни чиқад Тиражи — 125 ,0.

Р. — 09540. Ички саҳифаларга 20.00 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. — 2017. Индекс 64690.